

O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi
Toshkent davlat sharqshunoslik instituti
Arab filologiyasi kafedrası

“ARAB TILI QIYOSIY GRAMMATIKASI”
fanidan

MA’RUZALAR MATNI

Tuzuvchi: katta o‘qituvchi N.M.Orifxo‘jaev

TOSHKENT – 2009

Мавзу: Араб ва ўзбек тиллари фонетикасининг қиёсий таҳлили

Дарс ўқув мақсади: Араб ва ўзбек тиллари фонетикаси, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида талабаларга қиёсий таҳлилий маълумот бериш.

Тушунчалар ва таянч иборалар:

1. Унлилар, ундошлар, артикуляция.
2. Товушлар системаси.
3. Портловчи шовқинлар, фонема.
4. Қисқа ва чўзиқ унлилар.
5. Унлилар ва ундош артикуляцияси.

Асосий саволлар:

1. Араб ва ўзбек тилларида товушлар системаси. Ундошлар.
2. Араб ва ўзбек тилларида портловчи шовқинлилар.
3. Ўзбек тилидаги сирғалувчи ундош “С” ва араб тилидаги тил ўртасида сирғалувчи “С:” ўртасидаги тафовут.
4. Ўзбек тилидаги қисқа ва чўзиқ унлилар ва уларнинг араб тилидаги муқобиллари.
5. Араб ва ўзбек тилларида талаффузи бўйича (ўзбек) яқин турувчи харфлар.

Араб ва ўзбек тилларида товушлар системаси. Ундошлар.

Ҳар бир тил ўз нутқ системасига эга. Араб ва ўзбек тилларида ҳар икки тил учун уйқаш, бир хил талаффуз қилинадиган товушлар бор. Айни пайтда ҳар бирининг ўзигагина хос, бошқасида учрамайдиган товушлар ҳам мавжуд. Биз ўз она тилимизда гапирганимизда тилимиз, лабимиз ва бошқа нутқ аъзоларимизни бирор товушни талаффуз қилишимиз учун қандай ҳаракат қилдираётганимизни сезмаймиз ҳам. Талаффуз кўникмаси гўдаклигимиздан ҳосил қилинган. Бироқ ўзбекча сўзлашиш кўникмаси араб тилида гапириш

учун ҳамма вақт ҳам тўғри келавермайди. Арабча тўғри сўзлашиш учун қтор янги кўникмалар ҳосил қилиш керак.

Араб тилида ундошлар, асосан, товуш найчаларининг ҳаракат ва ҳолатига ёки оғиз бўшлиғининг қайси қисмида тўсиққа учрашларига, фақат шовқиндангина иборат бўлишларига ёки аксинча, овознинг шовқиндан устунлигига, шунингдек, талаффуз қилиниш усулларига боғлиқ равишда биридан фарқланади.

Араб ундошлари товуш пайчаларининг ҳаракат ва ҳолатига кўра – жарангли ва жарангсиз, пайдо бўлиш ўринларига кўра – лаб, танглай олди, танглай (орқа) ўртаси, чуқур танглай орқаси ва бўғиз товушлари бўлиши мумкин.

Ундошлар артикуляция усулига кўра портловчи, сирғалувчи (фрикатив), қоришиқ (аффрикатив), титровчи (вибрант) ва бурун иштрокида талаффуз қилинувчи (сонант) бўлади. Умуман айтганда, араб ундошларига хос энг характерли хусусиятлар – шовқиннинг мавжудлиги, мусиқавийлигк, юмшоқланиш (катализация), ва товушнинг ошиғич куч билан артикуляция қилиниши (эмфатиклик)дир.

Араб ва ўзбек тилидаги портловчи шовқинлилар.

Араб тилидаги портловчи товушлар ҳам хавонинг нутқ аъзоларидаги тўсиқни ёриб ўтиб, портлаш йўли билан чиқиши натижасида талаффуз қилинади. Портлаш юқори ва пастки лаблар, тил ва тиллар, тил ва танглай ўрталарида, хуллас, нутқ аъзоларининг турли ўринларида содир бўлиши мумкин.

“ب” “(б) фонемаси – лаб ўртаси ундоши, жарангли. Бу товуш ўзбек тилидаги “б”нинг нусхаси. Бироқ араб “б”си ўзбек тилидагидек, сўз ўртаси ёки охирида жарангсизланмайди, яъни “п”лашмайди.

“ت” (т) фонемаси – танглай олди товуши, тил ортида талаффуз қилинади, жарангсиз. Ўзбек тилидаги “т”нинг нусхаси (эквиваленти).

د “д” фонемаси – танглай олди товуши, тиш ортида талаффуз қилинади, жарангли. У жарангсизлар таъсири остида ўз жарангини йўқотмайди. Бинобарин, унинг ўзбек тилидаги каби “т”лашуви рўй бермайди.

ك “к” фонемаси – танглай ўртаси ундоши, жарангсиз. Араб “к”си рус тилидагидек чуқур эмас. Шунингдек, у ўрнига қараб баъзан юмшоқ, баъзан эса қаттиқ талаффуз қилинмайди ҳам. Балки у доимо бир хил – худди ўзбек тилидагидек, бир оз юмшоқроқ артикуляция олади.

ق “Қ” фонемаси – чуқур танглай орқаси ундоши, жарангсиз. Тил ўзагининг иштироки билан талаффуз қилинади. У ўзбек “қ” фонемасига тўла мосдир.

Ўзбек тилидаги сирғалувчи ундош “с” ва араб тилидаги тиш ўртаси сирғалувчиси “с:” ث ўртасидаги тафовутлар.

Маълумки ўзбек тилидаги “С” фонемаси – шовқинли жарангсиз ундош. У тил олдида талаффуз қилинувчи танглай олди сирғалувчи, жарангсиз шовқинли. У устки ва остки тишлар ўртасида талаффуз қилинади. Бундай товуш ҳозирги замон ўзбек тилида йўқ. Унинг артикуляциясида тил учини тишлар орасига шундай жойлаштириш керакки, у юқоридаги тишларга маҳкам жипслашиб турсин. Шунда тил учи билан пастки тишлар орасида кичик тирқиш қолади. Нутқ аъзоларининг шундай ҳолатида “С:” ث куч билан талаффуз қилинади. Масалан: تَشَبَّثٌ، ثَبَاثٌ

Ўзбек тилидаги қисқа чўзиқ унлилар ва уларнинг араб тилидаги муқобиллари.

Ўзбек тилидаги а, и, у фонемалари араб тилидаги қисқа унлилар а َ , и ِ , у ُ фонемаларига ўхшашдир. Чўзиқ фонемалар эса қисқаларига сифат жиҳатдан мос келади. Улардан артикуляцияни кўпроқ чўзиш билан фарқ қилади.

Араб тилида ундошлар унли товушларнинг талаффузига таъсир қилади. Шунинг учун унли фонемалар ундошларининг хусусиятларига қараб ёки

ўзгаришсиз, яъни фонема сифатида, ёки вазиятга қараб фонеманинг варианты сифатида талаффуз қилинади.

Артикуляцион жиҳатдан унли товушларнинг ҳосил бўлишида ўпкадан чиқиб келаётган ҳаво оқими оғиз бўшлиғида ғеч қандай тўсикка учрамайди. Акустик ҳаво оқими кучсиз тебранади. Унлилар мусиқа оҳангига жўр бўла оловчи майин оҳангга эгадир.

Араб тилида бта унли фонема бор бўлиб, уларнинг учтаси қисқа: (a, i, u) ва учтаси чўзиқ (ā, ī, ū) унлиларидир.

Ўзбек тилидаги ё ва я унлиларини араб тилидаги қуйидаги узун ва қисқа унлилар ёрдамида ифодалаш мумкин. Масалан: يا أَيُّهَا النَّاسُ

Буларнинг араб тилидаги муқобиллари اِوْىَ + ا ёрдамида тахминий, яқинлаштирилган тарздагина ёрилиши мумкин.

Араб ва ўзбек тилларидаги талаффузи бўйича яқин турувчи товушлар.

Биз юқорида араб тилидаги бир неча ўзбек тилидаги муқобилларга яқин турувчи товушларни мисол қилиб келтирдик. Бундай товуш араб тилида талайгина ўзбек тилида бўлмаган товушлар булар қуйидагилардир.

1. Тил ўрта сирғалувчилар : ذ، ث
2. Эмфатик товушлар: ظ، ط، ص، ض
3. Бўғиз товушлари : ع، ه (ҳамза)

Булардан бошқа товушларнинг барчаси ўзбек тилидаги муқобилларга артикуляцияси нуқтаи назаридан яқин туради.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Араб ва ўзбек тилларида товушлар системаси қандай таркиб топган?
2. Араб ва ўзбек тилларида портловчи шовқинлар қандай таснифланади?
3. ўзбек ва араб тилларида нечта фонема талаффузи жиҳатидан ўхшаш ва нечтаси бир-биридан фарқ қилади?

4. Ўзбек ва араб тилларидаги қисқа ва чўзиқ унлиларнинг ўхшаш ва тафовутли жиҳатлари қандай?

5. Унлилар артикуляция жиҳатидан қандай ҳосил қилинади?

Мустақил иш топшириқлари:

Фақатгина араб тилига хос бўлган, ўзбек ва бошқа тилларда учрамайдиган товушлар, уларнинг махражлари, ҳосил бўлиш ўринлари ҳақида батафсил маълумот беринг.

Асосий адабиётлар:

1. Б.М.Гранде. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. М-1998г.
2. Н.Иброҳимов, М.Юсупов. Араб тили грамматикаси. Т-1997й.
3. С.Рустамов “Араб тили фонетикаси”. Т.2000й
4. Э.Талабов “Араб тили” Т.1993й.
5. Б.З.Холидов “Учебник арабского языка” Т 1981 й.
6. Г.Ш.Шарбатов “Учебник арабского языка” М.1998 г.

Қўшимча адабиётлар:

1. К.Кузмин. Учебник арабского язққа. М. 2003г.
2. Ғ. Абдураҳмонов, Ш.Шукуров. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Т. 1973й.
3. النحو الواضح. مصطفى أمين، علي جارم. بغداد 1998م.
4. Аз-Замахшарий. Ал-Унмузаж фин-наҳв.

Мавзу: Араб ва ўзбек тилларида сўз туркумлари

Дарс ўқув мақсади: Араб ва ўзбек тилларидаги сўз туркумларининг таснифи, турлари ҳақида қиёсий – таҳлилий маълумот бериш.

Тушунчалар ва таянч иборалар:

1. Исм, феъл ва ҳарф.
2. Ўзак – феъл, от.
3. إسم ظاهر , إسم مضمّر , إسم مبهم
4. От – эга, кесим.
5. إسم الإشارة , الإسم الموصول , اسم الإستفهام .

Асосий саволлар:

1. Араб ва ўзбек тилларида отларнинг турлари.
2. Турдаги ва атоқли отлар.
3. Кичрайтириш ва эркалаш отлари.

Маълумки, араб тилида сўз туркумлари 3га бўлинади. Булар от, феъл ва ҳарф.

Ўзбек тилида сўз туркумлари 10дан ортиқдир. Чунки, ўзбек тилида сифат, сифатдош, иш-ҳаракат номи алоҳида сўз туркуми сифатида кўрилади.

Араб тилида биъзи ҳолларда ўзакдан феъллар ясалиши, баъзи ҳолларда отлар ясалиб, ўз навбатида улардан феъл ясалиши мумкин ва ниҳоят баъзи ўзаклардан бир вақтнинг ўзида ҳам от, ҳам феъллар ясалиши мумкин. Шу нуқтаи назардан отлар қуйидаги 2 гуруҳга бўлинади:

А) رجلٌ , яъни бевосита ўзак билан боғлиқ отлар. فرسٌ – от, أسدٌ – арслон, حامدٌ – оёқ, رأسٌ – бош.

Б) Ҳосила отлар (مشتقٌ), морфологик воситалар ёрдамида феъл ёки бошқа отлардан (ҳосил) ясаладиган отлар. مرحةٌ

Маъно жиҳатидан эса араб наҳвчилари уларни 3 гуруҳга бўладилар.

А) **إسم ظاهر** – бу туркумга қуйидаги икки гуруҳ отлардан бошқа барча отлар киради.

Б) “Назарда тутиладиган, маъноси хуфя бўлган исм” (**ضمير اسم مضمرة**), яъни кишилиқ олмошлари.

В) номи ноаниқ, муайян бўлмаган от (**إسم مبهم**), яъни кўрсатиш олмоши (**إسم الإشارة**), нисбий олмошлар (**الإسم الموصول**), сўроқ олмошлари (**اسم الإستفهام**).

1) Ўзбек тилида от деб предметнинг номини билдирган сўзлар туркумига айтилади. От ким? Нима? Сўроқларига жавоб бўлади.

2) От эгалик ва келишиқ кўшимчалари билан қўлланади, бирлик ва кўпликда ишлатилади.

3) От гапда бош бўлак, иккинчи даражали бўлак, шунингдек, ундалма бўлиб келади, масалан: 1. Онам фабрикада ишлайди. 2. Бугунги ишни эртага кўйма! 3. Ёшлар кексаларга ёрдам берингиз.

Биринчи гапда онам оти-эга, иккинчи гапда ишни оти – тўлдирувчи, учинчи гапда ёшлар оти ундалма бўлиб келган.

Ўзбек тилида отлар қуйидагича таснифланади. Турдош, атоқли от, кичрайтириш ва эркалаш отлари, буюм нарса номи, ўрин-жой оти, мавҳум от, кўшма от, жуфт отларга бўлинади.

Араб тилида эса отлар қуйидагича таснифланади. Атоқли ва турдош от, бир марта иш-ҳаракат номи. (**إسم المرّة**) - **ضربة** - **فعلّة** – 1 марта зарба уриш, **أخذة** бир марта олиш, **عدة** 1 марта вада бериш (1та вада), **عدوة** 1 марта чопиш ҳаракат турини англатувчи ном (**إسم النوع**) - **فعلّة** - **مشية** юриш услуби, **كثبة** ёзиш услуби, 4 ўзакли ва кўп ҳарфли ўзаклардан ясалган исм-ҳаракат турини англатувчи от 1 марта иш-ҳаракатни билдирувчи отга мос келади. Масалан: **دِخْرَاجَةٌ** учиш услуби, **التفّاة** муомала (мурожат) қилиш услуби

التفتّ التفّاة المودّب У одобли (тарбияли) одамдек мурожаат қилди.

Ўзбек тилида кичрайтириш ва эркалаш отлари

Нутқимизда кичрайтириш ва эркалаш отлари ҳам қўлланади. Бундай отлар кичрайтириш, баъзан эса кичрайтириш, ҳам эркалаш маъноларини англатадиган қуйидаги қўшимчалар билан ҳосил қилинади:

- ча: китобча, бойча, юлдузча.

- чок, -чак, -чик: қўзичок, келинчак, қончик,

- лоқ: Бўталоқ, тойлоқ.

Араб тилида эркалаш ва кичрайтириш отлари

إسم التصغير - кичрайтириш ва эркалаш отлари;

А) Уч ҳарфли отлардан **فُعَيْلٌ** қолипида, яъни 2 чи ундошдан кейин ай-**ى** дифтонги билан ясалади.

Масалан: **رُجُلٌ** – **رَجُلٌ** , **كُتَيْبٌ** – **كَلْبٌ**

Б) Узун унли ёки 2чи бўғинда дифтонг **ى** бўлган сўзлардан **فُعَيْلٌ** қолипида ясалади. Масалан: **جُدَيْلٌ** – **جَدُولٌ** – чиройли, **جَمَيْلٌ** – **جَمِيلٌ** – йигитча, **غَلَامٌ** – **غُلَامٌ** булоқ.

В) Биринчи ундош ҳарфдан кейин чўзиқ **ā (اَ)** бўлган отлардан **فُويَعَلٌ** вазнида ясалади. Масалан: **خُويِدْمٌ** – **خُوَيْدٌ** ёзувчи, **كَاتِبٌ** – **كَاتِبٌ** чавандоз, **فَويِرْسٌ** – **فَويِرْسٌ** .

Г) Иккиланган ёки иллатли ҳарфли ўзаклардан ясалган отлардан кичрайтириш отлари иккиланган ўзаклар ва иллатли ўзак ҳарфларнинг ўзгариши қоидасига мувофиқ ясалади: **عُصَى** – **عُصَيٌّ** илдиз, **نَابٌ** – **نَابٌ** , **بُويِبٌ** – **بَابٌ** (**سُمِيٌّ**) – **سُمَيٌّ** , **بُنَيْتٌ** – **بُنَيْتٌ** , **بُنْيٌ** – **بُنْيٌ** (**أَبِيٌّ**) – **أَبٌ** , **عَصَا**

Д) тўрт ҳарфли отлар таркибида 2 чи ундошдан кейин **au** дифтонгини қўшиб кичрайтмаотлар ясалади. **مَسْجِدٌ** – **مَسْجِدٌ** масжид.

Е) Агар 3чи ундош ҳарфдан кейин чўзиқ унли (**u** ёки **ā**) бўлса, бундай отлардан **مُفَعَيْلٌ** қолипида ясалади. **عُصْفُورٌ** – **عُصْفُورٌ** , **مُفَتَّحٌ** – **مُفَتَّحٌ**

Ё) Бешинчи ундош бўлган сўзлардан қуйидагича кичрайтириш отлари ясалади. Бунда бешинчи ундош тушуриб қолдирилади.

عُنَيْدٌ – **عُنَيْدٌ** – **عُنْدَلِيْبٌ**

سُفَيْرٌ – **سُفَيْرٌ** – **سُفَيْرٌ**

Ж) **ءَ، اِ، يَ، ة** билан тугаган муаннас исмлардан кичрайтириш эркалаш отлари ясалганда, бу муаннасли кўшимчалари сақланади.

حُمَيْرَاءُ - حمراء ، بُشَيْرِي - بُشْرِي،

З) Баъзи муаннас кўшимчаси билан тугамаган муаннас исмлардан кичрайтириш ва эркалаш отлари ясалганда **ة** кўшилади.

أَرِيضَةٌ - أَرْضٌ ، شَمْسٌ مَيْسَةٌ - شَمْسٌ

И) **اُنْ** билан тугаган исмлардан кичрайтириш эркалатиш отлари ясалганда бу кўшимчалар сақланиб қолади.

زُعْيَانٌ - زَعْلَانٌ ، سَكْرَانٌ - سَكْرَانٌ

Баъзи **اُنْ** билан тугаган исмлардаги **ن** ундош ўзак харф ҳисобланади ва кичрайтириш эркалатиш отлари тўрт ундошли ўзаклардаги каби ясалади.

سُلَيْطَانٌ - سُلَيْطَانٌ

К) Кичрайтириш ва эркалаш отларининг кўплик ва бирликда ясалади.

مُسَيِّدَاتٌ - مُسَيِّدٌ - مَسْجِدٌ - مَسَاجِدٌ

مُسَيَّلَمُونَ - مُسَيَّلِمٌ - مُسَلِّمٌ - مُسَلِّمُونَ

Л) Кичрайтириш ва эркалаш отларининг кўплиги кўпликдан ясалади:
(Агар кўплик

فِعْلَةٌ، أفعَلَةٌ، أفعُلٌ، أفعالٌ қолипларидан ясалган бўлса)

أبياتٌ (шеърлар) – بيتٌ (бирлиги)

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Араб тилида сўз туркумлари қандай таснифланади?
2. Ўзбек тилида нечта сўз туркуми бор?
3. Араб тилида отлар ясалишига кўра неча турга бўлинади?
4. Араб наҳвчилари отларни маъно жиҳатидан нечта гуруҳга бўладилар?
5. Ўзбек тилида отлар қандай гап бўлаклари вазифасида келиши мумкин?
6. Ўзбек тилида отлар қандай таснифланади?

Мустақил иш топшириқлари:

Араб ва ўзбек тилларидаги иш-ҳаракат номини қиёсий шарҳлаб беринг.

Асосий адабиётлар:

1. Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков. А.А.Азизов. Тошкент 1983й.
2. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. Гранде Б.М. М.:1998г.
3. Ғ.Абдурахмонов. Ўзбек тили грамматикаси. Т. 1996й.

Қўшимча адабиётлар:

1. К.Кузмин. Учебник арабского язкка. М. 2003г.
2. В.Г.Лебедев, Ю.И.Маляров. Учебник по речевой практика арабского язкка. Основной курс. Част-2. М.1984г.
3. В.Г.Лебедев. Арабская грамматика. М.1984г.
4. Муҳаммад Фатих. قواعد اللغة العربية. بغداد-1975م
5. النحو الواضح. مصطفى أمين، علي جارم. بغداد 1998م.

Мавзу: Ўзбек ва араб тилларида келишик ва грамматик сон категорияларининг ифодаланиши

Дарс ўқув мақсади: араб ва ўзбек тилларидаги келишик ва сон категорияларининг ўхшаш ва тафовутли жиҳатлари ҳақида қиёсий – таҳлилий маълумот бериш.

Тушунчалар ва таянч иборалар:

1. Отларнинг сон категорияси, бирлик, кўплик.
2. Иккилик, ان (يْنِ) وَنْ، (يْنِ) اَتْ;
3. Феъл, иккилик ان، آ، اْ;
4. Синиқ кўплик, икки келишикли от.

Асосий саволлар:

1. Ўзбек ва араб тилларида грамматик сон категориялари;
2. Ўзбек ва араб тилларидаги кўплик сон категорияси;
3. Араб тилидаги иккилик категорияси;
4. Отларнинг синиқ кўплиги;
5. Араб ва ўзбек тилларида келишикни ифодаланиши.

Ўзбек ва араб тилларида грамматик сон категорияси

Маълумки, ўзбек тилида отларнинг бирлик ва кўплик сонлари мавжуд.

Ўзбек тилида отларнинг кўплик сони –лар қўшимчаси билан ясалади. Ўзбек тилида жинс категорияси бўлмаганлиги учун, унда мослашув араб тилидагидан фарқ қилади.

Араб тилида бирлик, иккилик ва кўплик сон категориялари мавжуд.

Бундан ташқари араб тилида отларнинг кўплиги икки хил усулда тўғри; яъни музаккардаги отларга وَنْ (бош. к-к) (يْنِ) қўшимчалари, кўшиб, муаннас жисдаги отлардан эса, ноаниқ ҳолатда اَتْ (اَتْ) қўшимчалари, аниқ ҳолатда اَتْ (اَتْ) қўшимчаси кўшиб ясалади.

Ўзбек тилида асли сифатдан ёки яаслган от бўлиб, улар фақат бирликда қўлланилади. Масалан: гўзаллик, тезлик, тинчлик, ватанпарварлик, озодлик, болалик ва ҳ.к.

Бундан ташқари ўлчаш мумкин бўлган нарса, (моддалар) масалан: асал, ёғ, туз, кумуш, олтин, темир, чой, ун ва мавҳум отлар: муҳаббат, виждон, чидам ва бошқалар.

Ўзбек тилида кўплик –лар қўшимчаси ҳурмат-эҳтиромни ифода этиш учун ҳам қўлланилади.

Араб тилидаги иккилик сони ўзбек тилида йўқ. Уни ўзбек тилида 2 сўзи билан ифодаланади.

Араб тилида иккилик отларга ان (اَيْنَ) қўшимчасини қўшиш орқали ясалади.

Охири اء билан тугаган отлардан иккилик ясалганда ء ўрнига و қўйилади. Масалан:

صحروان – صحراء حمروان – حمراء

ي - билан тугаган исмларда эса чўзиқ ي қисқа ي га айланади. Масалан: معنيان – معني

Иккилик сони араб тилида феълларда ҳам мавжуд. Ўтган замон феълнинг 2-3 шахсларида иккилик шахс қўшимчалари қуйидагича бўлади. 2-шахс ва 3-шахсда феъл бошига приставкалар 2-шахсда ت , 3- шахс муаннас ت феъл охирига эса ان қўшимчаси.

Иккилик категорияси кўрсатиш, нисбий, кишилик, бирикма олмошларида ҳам намоён бўлади. Феълларда иккилик фақат араб адабий тилидагина қўлланади. Араб лаҳжаларида феълнинг иккилик шакли йўқ.

Отларнинг иккилик шакли араб адабий тилида тўлиқ намоён бўлса, лаҳжаларда фақат тушум келишигидагина қўлланилиши мумкин.

Араб тилидаги отларнинг синиқ кўплиги.

Араб тили фиктив тиллар гуруҳига киришини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам араб тилида кўпликнинг икки тури: тўғри кўплик ва синик кўплик мавжуд.

Тўғри кўплик худди ўзбек тилидагидек сўз охирига маълум кўшимчалар кўшиб ясалади. Синик кўпликда худди ўзбек тилидагидек сўз охирига маълум кўшимчалар кўйиб ясалади. Синик кўпликда эса, сўзнинг икки структураси ундаги (ундаги унлилар) ундагиларнинг орасига чўзиқ унли ва қисқа унлилар кўйиш орқали ясалади.

Араб тилида, баъзи қолипдаги отларнинг кўплик шаклини яшашнинг аниқ марфалогик қоидалари мавжуд. чунончи, **فعل** ва **فعللة** қолипидаги отлардан синик кўплик **فعل** ясалади. Масалан **دولة-دول** қолипида. Тўрт харфли отлардан эса **مفاعل** **فاعلل** **فاعل** **فاععل** қолипларида ясалади. Масалан **مدرسة** . беш (ўзакли) харфли сўзлардан эса **مفاعيل** **فعاليل** **افاعيل** қолипларида ясалиши мумкин. Масалан **سلطين سلطان** Чет тилдан кирган сўзлар бўлса, улардан **فعاليلة** ёки **فعاليل** қолипидаги кўплик ясалади. Масалан:

أساتيدُ – أساتذةُ – أستاذ

نلاميذُ – تلاميذةُ – تلميذ

Агар от 5 дан ортиқ харфдан таркиб топган бўлса, охириги 2 ундош олиб ташланиб 4 харфлик отлар ясаладиган қолипга солиб кўплик ясалади. Масалан:

عنادلُ – عندل – عندليبُ

Араб ва ўзбек тилларида келишикларнинг ифодаланиши.

Ўзбек тилида бта келишик бор. Булар: бош, тушум, қаратқич, ўрин пайт, жўналиш ва чиқиш келишиклари. Бу келишиклардан бош келишик бош келишик морфологик кўрсаткичга эга эмас. Араб тилида келишиклар 3та бўлиб (бош, тушум, қаратқич) уларнинг ҳаммаси морфологик кўрсаткичга эга, яъни

Бош келишик * -дамма

Тушум келишиги َ – фатҳа

Қаратқич келишиги ۋ касра.

Ўзбек тилида от бош келишикда ҳеч қандай қўшимча олмайдию

Тушум келишиги – ни;

Қаратқич келишиги – нинг;

Ўрин пайт келишиги – да;

Жўналиш келишиги – га;

Чиқиш келишиги – дан.

- Араб тилида бош келишик ноаниқ ҳолатда танвин дамма, аниқ ҳолатда эса дамма билан ифодаланади.

- Қаратқич келишиги ноаниқ ҳолда танвин касра, аниқ ҳолатда касра билан ифодаланади.

- Тушум келишиги ноаниқ ҳолатда танвин фатҳа билан, аниқ ҳолда эса фатҳа билан ифода этади.

Бундан ташқари тўғри кўплик музаккар ва муаннастадаги отларнинг келишик кўрсаткичлари бошқача ифодаланади. Биз юқорида тўғри кўпликдаги қўшимчалар уларнинг келишик кўрсаткичларини ҳам ифодалайди.

Араб тилида бош келишик қаратқич келишиги орқали, бош, тушум, қаратқич келишиклар 1та тушум келишиги шаклида ифодаланадиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан : قاضِ бош ва қаратқич келишиги, قاضياً тушум келишиги.

المستشفى – مستشفى – бош, тушум, қаратқич келишиги

العصا - عصاً – бош, тушум, қаратқич келишиги

Икки келишикли отларда тушум-қаратқич келишиги битта кўрсаткич (қўшимча) орқали ифодаланади (ۋ - фатҳа билан)

مسائل – مسائل – тушум ва қаратқич келишиги.

Иккиликда бош келишик ان тушум –қаратқич келишиги ۋن қўшимчаларини олади.

Феъллар ҳам араб тилида келишик кўрсаткичига эга. Ўтган замон феъллари (3ўзакли феъллар, иккиланган, тўғрига ўхшаш, ҳамзали феъллар)

фатҳага тугайди. Ҳозирги замон феъллар аниқ даража (хабар майлида) дамма ва истак майлида эса фатҳага тугайди.

Умуман, араб тилида келишик категорияси мураккаб грамматик категориялар қаторига киради. Отлар турли омиллар таъсирида келишик кўрсаткичларини ўзгартиришлари мумкин.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Ўзбек тилида грамматик сон категорияси қандай ифодаланади?
2. Араб тилида отларнинг сон категорияси қандай ифодаланади?
3. Ўзбек тилида қандай отлар кўпликда ишлатилмайди?
4. Араб тилида синик кўплик қандай ифодаланади?
5. Ўзбек ва араб тилидаги келишик кўрсаткичларини қиёсий шарҳлаб беринг.

Мустақил иш топшириқлари:

Араб ва ўзбек тиллари грамматикасидаги келишик ва сон категорияларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини шарҳланг.

Асосий адабиётлар:

1. Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков. А.А.Азизов. Тошкент 1983й.
2. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. Гранде Б.М. М.:1998г
3. Н.Ибрагимов, М.Юсупов “Араб тили грамматикаси” Т.1997й.
4. Ғ.Абдурахмонов. Ўзбек тили грамматикаси. Т. 1996й.

Қўшимча адабиётлар:

1. Араб тили дарслиги (таркиб қоидалари) “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Т.2009й.

2. О.Мусаев. Араб тили асосий қоидалар тизими. Т.-2000й.
3. Суннатуллоҳ Бекпўлат. Араб наҳви. Т.-2007й.
4. Муҳаммад Фатих. قواعد اللغة العربية. بغداد-1975م

Мавзу: Араб ва ўзбек тилларида отларнинг турлари

Дарс ўқув мақсади: Араб ва ўзбек тилларида отларнинг таснифи, ясалишидаги морфологик хусусиятлар, келишик ва сон категорияларидаги фарқларни қиёсий таҳлил қилиш.

Тушунчалар ва таянч иборалар:

1. معرفة، علم، جامد، ملبني
2. Абстракт, нисбий от, масдар.
3. Кичрайтма отлар, والمكان الزمان اسما

Асосий саволлар:

1. Ўзбек ва араб тилларида отларнинг таснифи;
2. Араб ва ўзбек тилларида ўхшаш от турлари;
3. Араб ва ўзбек тилларида отларнинг ясалишидаги ўзига хос хусусиятлари;
4. Отларда келишик ва сон категорияларининг ифодаланиши ва фарқлари.

Маълумки, от-сўз туркумларидан бири, конкрет предметларни ёки предмет сифатида тасаввур қилинадиган тушунчаларни ифодалайдиган мустақил сўзлар. Отлар қуйидаги морфологик белгиларга эга:

1) сон категориясига – отларнинг бирлик ва кўплик формалари: китоб, китоблар, бир неча китоблар;

2) эгалик категориясига предметнинг нутқдаги 3 шахздан бирига тааллуқли эканлигини ифодаловчи формалар йиғиндиси: китобим, китобинг, китоби ва ҳ.к.

3) кишилик категориясига – от ёки отлашган сўзнинг сўзнинг бошқа сўзларга грамматик жиҳатдан боғланишни таъминлайдиган формалар йиғиндиси: китобни, китобда, китобга, китобдан каби;

4) от ясовчи махсус аффиксларга (-чи, -дош, -каш, -бон, -шунос, -дор каби) нарса-қурол оти ясовчиларга (-к, -ик, -ун, -к, -ик, -ук, -оқ, -ки, -кич, -ма каби) ўрин-жой оти ясовчиларга (-лоқ, -зор, -истон каби), абстракт от ясовчиларга (-лик, -чилик, -гарчилик, -изм каби) эга. Бу аффикслар турли тилларда турличадир.

Хусусан араб тилида юқоридаги отлар аффикслар ёрдамида эмас, балки префикслар ёрдамида ва айрим ҳоллардагина аффикслар кўшилиб ясалиши мумкин.

Маъно жиҳатдан отлар дастлаб икки турга – атоқли (Тошкент, Ойбек, Эркин каби) ва турдош отлар (шамол, дарё, одам каби) отларга бўлинади. Турдош отлар ўз навбатида конкрет (дарахт, машина ва бошқалар каби), абстракт (ақл, идрок, бухаббат, фожиа каби), якка (толиб, ўқитувчи, ишчи каби) ва жамловчи (халқ, армия, озчилик, кўпчилик каби) отларга бўлинади.

Араб ва ўзбек тилларида отлар морфологик ва синтактик усуллар билан ясалади. Иш+чи – ишчи, касб+дош – касбдош, кўз+ойнак – кўзойнак.

Тузилишига кўра отлар содда (ручка, қалам, хизматчи каби), қўшма (бедана, оққуш каби), жуфт (опа-сингил, ота-бола каби), қисқартма (БМТ, АҚШ каби) отларга бўлинади.

Ўзбек тилида отларнинг қизча (кичрайтиш), қизалоқ (эркалаш), онажон (хурмат), Абдуллавой (ҳазил ва истехзо) каби формалари саналади.

Отлар гапда кўпроқ эга, тўлдирувчи, қаратқичли аниқловчи, ҳол вазибаларида келади. Аммо ўрни билан сифатловчи, изоҳловчи ёки кесим бўлиб кеиши ҳам мумкин.

Умумий тарзда араб тилидаги отларни таснифлайдиган бўлсак, улар қуйидагилардир:

І. иш ҳаракат номи (фееьлдан ясалган исмлар) – масдар. Масдар от сифатида келишикларда ўзгаради. Баъзи масдарлар асл маъносидан ўзга маънони англатади. Одатда луғатларда бу отлар оддий сўз сифатида берилади. Масалан, علم-билиш, фан; صلح-тинчлик, сулҳ; شرق-шарқ ва ҳоказо.

II. Бир марталик ҳаракат номи (اسم المرة) - имя однократности. Иш ҳаракатнинг бир марта содир бўлгандигини билдирувчи сўз бир марталик ҳаракат номи дейилади. Бир марталик ҳаракат номи масдар охирига **ة** ҳарфини қўйиш билан ҳосил бўлади. Масалан, ضرب-урмоқ→масдар ضرب-уриш, ضربية-бир марта уриш. Агар масдар – атун-تة қўшимчаси билан тугаса, бир марталик ҳаракат номи шу масдардан кейин واحدة “битта”, “бир” мослашган аниқловчисини келтириш билан ҳосил қилинади. Масалан, إجابة واحدة битта жавоб. Ўзбек тилида бундай исмла бир, битта сўзлари билан ифодаланади.

III. Иш ҳаракат услубини англатувчи исм (اسم النوع) – имя способа действия. Бирор бир иш-ҳаракатнинг бажариш услубини билдиради. Бунда исмлар فعلة қолипида ясалади. Масалан, كتبة-ёзиш услуби (манера писать), النغاة – муружаат қилиш услуби (манера обращения).

IV. Қурол отлари. Иш – ҳаракатни амалга ошириш воситасини билдирувчи отлар қурол отлари дейилади. Қурол отлари қуйидаги I бобдаги ўтимли феъллардан مفعلة، مفعلة، مفعلة вазнларида ҳосил бўлади. Масалан:

برد – эговламоқ – مبرد – эгов;

كنس – супурмоқ – مكنسة – супурги;

فتح – очмоқ – مفتاح – очқич, калит.

V. Мавҳум отлар. Иш-ҳаракат, сифат ёки ҳолат ҳақидаги мавҳум тушунчаларни ифодаловчи отлар мавҳум (абстракт) от дейилади. Араб тилида мавҳум отлар қуйидаги сўзлар охирига **يَّة** қўшимчасини қўшиш орқали ясалади.

1. Отларга. Масалан, إنسان – инсон→إنسانية – инсоният, أبد – абад →أبدية – абадият.

2. Масдарга. Масалан, اشتراك - қатнашиш→اشتراكية – социализм.

3. Сифатдошга. Масалан, مسؤول - масъул→مسؤولية – масъулият.

4. Сифатга. Масалан, أغلب – энг кўп→أغلبية – кўпчилик, حر – эркин→حرية – эркинлик.

5. Олмошга. Масалан, كيف - қандай→كيفية – кайфият, هو – у→هوية–шахсият

Ўзбек тилида мавҳум отлар байналминал сўзлардан ёки –лик, –изм каби кўшимчалар ёрдамида ясалади.

VI. Кичрайтирма отлар. Ўзбек тилида –ча, –қоқ, –чоқ, –чак аффикслари ёрдамида кичрайтирма отлар ҳосил бўлганидек, араб тилида ҳам кичрайтирма отларнинг айрим ҳосил бўлиш вазнлари мавжуд:

1. Уч ундош ўзакли сўзлардан **فُعَيْلٌ** вазинад ҳосил бўлади. Масалан:

كَلَبٌ → كَلَيْبٌ

رَجُلٌ → رَجِيلٌ

2. Иккинчи бўғинида чўзиқ унли мавжуд бўлган сўзлардан **فُعَيْلٌ** вазида ҳосил бўлади. Масалан:

غَلَامٌ → غَلِيمٌ – кичкина хизматкор

جَمِيلٌ → جَمِيلٌ – чиройли (кичкина)

3. Биринчи бўғинида чўзиқ унли мавжуд бўлган сўзлардан **فُوعِلٌ** вазида ҳосил бўлади. Масалан:

فَوَيْسٌ → فَوَيْسٌ – кичик чавандоз

كُوَيْتَبٌ → كُوَيْتَبٌ – кичик котиб

خُوَيْدِمٌ → خُوَيْدِمٌ – кичик ходим

4. Нотўғри ўзакли сўзлардан ҳам шу нотўғрилиқнинг хусусиятига мос ўзгаришга учраган ҳолда ҳосил бўлади. Масалан:

بَوَيْبٌ → بَوَيْبٌ – эшикча, أَبِيٌّ → أَبٌ – дадажон, بَنِيٌّ → ابْنٌ (аслида **بَنِيٌّ**) ўғилча, بَنِيَّةٌ → بِنْتُ (аслида **بَنِيَّةٌ**), سَمِيٌّ → سَمِيٌّ (аслида **سَمِيٌّ**)

5. Тўрт ҳарфдан иборат бўлган отлардан иккинчи ундош товушдан кейин “ай” кўшимчасинин кўшиш билан ҳосил қилинади. Масалан, عُقَيْرَبٌ → عَقْرَبٌ – чаёнча, مَسْجِدٌ → مَسْجِدٌ – масжидча

6. Агар сўзнинг охирида иккинчи бўғинда “**ā, h, ī**” чўзиқ унлиларидан бири мавжуд бўлса, булар чўзиқ “**й**”га ўзгариб кетади. Масалан: عَصْفُورٌ → عَصْفُورٌ – чумчуқча, مَفْتَحٌ → مَفْتَحٌ;

7. Беш ундош ўзакли сўзлардан кичрайтирма сўз ҳосил қилинганда, охирги ўзак ундош тушиб қолади. Масалан: عُنْدَلِيْبٌ → عُنْدَلِيْبٌ, سَفَرَجَلٌ → سَفِيرَجٌ;

8. Муаннас сўзлардан ясалган кичрайтирма отларда ҳам муаннаслик белгиси тушиб қолмайди. Масалан: قلعۃ→قلیعة, هرة→هريرة-мушукча, حمراء→حمراء;

9. ة – “та марбута” ҳарфисиз ҳосил бўлган муаннас отлардан кичрайтима отлар ҳосил қилинганида охирида “ة” ҳарфи қўшиб қўйилади. Масалан: أرض، شمیسة→شمس – кичик ер;

10. انّ қўшимчаси билан тугаган от ва сифатлардан кичрайтирма отлар ҳосил қилинганда ҳам انّ қўшимчаси сақланиб қолади.

سليمان – سلمان، كسيان – كسلان

11. Кичрайтма от шакллари айрим предлогларда ҳам қўлланилади ва шу предлогладаги маънонинг оз ёки қисқа эканлигига ишора қилади. Масалан: قبيل→قبل – бир оз олдин, فوق→فوق – бир оз устида, بعد→بعيد – бироз кейин.

Дона отлар

Дона отлар бир хил предметлар ичидаги бир донасини билдиради ва у от охирига ة “та марбута” ҳарфи қўшиш билан ҳосил қилинади. Масалан:

نملة – نمل، تفاحة – تفاح

Булардан ташқари у ёки бу предметнинг жуда кўп учрайдиган, ҳосил бўладиган, тўпланадиган ўринни билдирувчи отлар ҳам бўлиб, у араб тилида اسم الكثرة дейилади ва مفعلة қолипида ясалади. Масалан: مطبخة – بطيخ – тарвуз экилган полиз، لبن – لبنة сут комбинати.

Энди ўзбек тилидаги муқобиллар бўйича қиёслайдиган бўлсак, ўзбек тилида алоҳида бир марталик ҳаракат номи – اسم المرة، иш ҳаракатнинг услубини англатувчи исм – اسم النوع ясашиш йўллари мавжуд эмас. Улар маълум сўзларни ёки қўшимчаларни қўшиш орқали ясалади.

Ўзбек тилида кичрайтириш ва эркалаш отлари

Нутқимизда кичрайтиш ва эркалаш отлари қўлланилади. Бундай отлар кичрайтиш, баъзан эса ҳам кичрайтиш, ҳам эркалаш маъноларини англатадиган қуйидаги қўшимчалар билан ҳосил қилинади.

-ча: китобча, уйча, юлдузча;

-чоқ, -чак, -чиқ: қўзичоқ, келинчак;

-лоқ: бўталоқ, тойлоқ.

Одатда ўзбек тили тил гуруҳи жиҳатдан араб тилидан фарқ қилганлиги туфайли унда отлар о ясовчи қўшимчалар ёрдамида ясалади. От ясовчи қўшимчалар ўзак билан бириккан ҳолда қуйидаги маъноларни билдирувчи отлар ясайди:

1. Шахс отлари, 2. буюм-нарса отлари, 3. Ўрин-жой отлари, 4. Мавҳум отлар.

Шахс отлари ясовчи қўшимчалар

-чи. Бу қўшимча одатда, шахснинг бирор касб ёки иш билан шуғулланишини англатувчи отлар ясайди: сувчи, футболчи, спортчи, навбатчи.

-дош. Бу қўшимча ёрдами билан ясалган отлар одатда, биргалик, яқинлик маъносини билдиради: синфдош, суҳбатдош, сифатдош.

Тилимизда –кор (-кар, -чар, -чор), -каш, -дор, -бон, -боз, -паз, -хон, -шунос, -дўз, -соз қўшимчалари билан ясалган шахсни англатувчи отлар ҳам бор: пахтакор, талабгор, мискор, заргар, аравакаш, чорвадор, саройбон, гиламдўз ва ҳоказо.

Буюм – нарса оти ясовчи қўшимчалар ва уларнинг ёзилиши

-гич (-кич, -қич, -ғич): кўрсаткич, қисқич, чизғич;

-ги (-ки, -қи, -ғи): супурги. Тепки;

-к, -ак: курак, элак;

-қ, -оқ; “а” унлиси билан битган ўзакдан –қ қўшимчаси билан от ясалганда, ўзакдаги “а” товуши “о”га. “я” эса “ё”га айланади ва шундай ёзилади: тара – тароқ, бўя – бўёқ;

-иқ, -ик: чопиқ, топшириқ, тешиқ, -иқ қўшимчаси ўзакда ёки “ю” товуши бўлган ҳолларда –уқ тарзида айтилади ва шундай ёзилади: учуқ, ютуқ;

-ма: бўғма, босма;

-м, -им: тўплам, тиклам, кийим. –им қўшимчаси ўзакда “у” ёки “ю” бўлган ҳолларда –ум тарзида ёзилади: култ – култум, ун – унум, ют – ютум. “й” билан тугаган ўзакларга –ум қўшилса, “й+у” ўрнига “ю” ёзилади. Масалан: куй+ум – куюм, уй+ум – уюм;

-дон: қаламдон, туздон. (محررة، محلب، مدهن)

Ўрин – жой от ясовчи қўшимчалар

-зор: гулзор, пахтазор, олмазор;

-истон: Ўзбекистон, гулистон;

-лоқ: ўтлоқ, тошлоқ.

Мавҳум отлар

-лик. Бу от ясовчи қўшимча от, сифат, сон ва бошқа туркумларга хос сўзлардан мавҳум отлар ясайди: болалик, дўстлик, яхшилик, бирлик.

Нутқимизда –лиқ қўшимчаси билан ясалган мавҳум отлар ҳам учрайди: отлик, борлик.

Бундан ташқари ўзбек тилида араб тилидан фарқли ўлароқ сўзларни қўшиб от ясади: Сим ёғоч, ота-ана, озиқ-овқат, Ўз.ССР, йиғим-терим, гултожихўроз.

Сўзларни қўшиш ва уларни қисқартириб қўшиш билан қуйидаги отлар ясади:

1. Қўшма отлар: қорбўрон, қорбобо;
2. Жуфт отлар: ака-ука, қариндош-уруғ;
3. Қисқартма отлар: РТС, Райижроком;

Араб ва ўзбек тилларида қисқартма отларнинг ясалиши бир-бирига бир мунча ўхшаёди. Бироқ араб тилида қисқартма отлар ўзбек тилидагидек кенг тарқалган эмас.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. مبنی қандай от, унинг ўзбек тилида муқобили борми?
2. جامد қандай от?
3. Тўрт ўзакли отлардан масдарлар қайси қолипда ясалади?
4. Араб ва ўзбек тилида нисбий олмошларнинг ясалишини шарҳланг.

Мустақил иш топшириқлари:

Араб ва ўзбек тилларида кичрайтма отларнинг ясалишини қиёсий – таҳлилий баён қилинг.

Асосий адабиётлар:

1. Б. Гранде . Курс арабской грамматики в сравнительно – историческом освещении. М. 1998г.
2. Н.Ибрагимов, М.Юсупов “Араб тили грамматикаси” Т.1997й.
3. الشيخ مصطفى الغلاييني. الدروس العربية. بيروت-1993م
4. Г.Ш.Шарбатов. Современный арабский язык. М.-1982г.

Қўшимча адабиётлар:

1. К.Кузмин. Учебник арабского языка. М. 2003г.
2. В.Г.Лебедев, Ю.И.Маляров. Учебник по речевой практика арабского языка. Основной курс. Част-2. М.1984г.
3. В.Г.Лебедев. Арабская грамматика. М.1984г.
4. مُحَمَّد فَاتِيح. قواعد اللغة العربية. بغداد-1975م
5. النحو الواضح. مصطفى أمين، علي جارم. بغداد 1998م.

Мавзу: Ўзбек ва араб тилларида сифат

Дарс ўқув мақсади: Араб ва ўзбек тилларида сифат туркуми, унинг морфологик ясалиш усуллари ҳақида қиёсий-таҳлилий маълумот бериш.

Тушунчалар ва таянч иборалар:

1. Сифат турлари. Уларнинг ўзбек ва араб тилларидаги муқобиллари.
2. Озайтirma сифат, қиёсий, орттirma даражадаги сифатлар.
3. Сифатлар ва мослашув.

Асосий саволлар:

1. Сўз туркумларидан сифатнинг таърифи;
2. Араб ва Ўзбек тилларида сифат ва унинг маъно жиҳатдан турлари ва улардаги тафовутлар:
 - а) Сифат даражалари;
 - б) Озайтirma сифатлар;
 - в) Кучайтirma сифатлар;
 - г) Сифат ясовчи қўшимчалар;
 - д) Араб тилидаги сифатларнинг ясалиши ва хусусиятлари;

Маълумки, ўзбек тилида ҳам араб тилидаги каби сифатлар икки хил бўлади, яъни аслий сифатлар ва нисбий сифатлар.

Маълумки сифат – бу белгини билдирадигон сўзлар туркумидир. Сифат қандай? қанақа? каби сўроқларга жавоб бўлади.

-Сифат одатда, белгининг даражасини ҳам кўрсатади,масалан: шўх-шўхроқ бола, энг шўх бола.

- Сифат одатда отга , баъзан феълга боғланади, масалан: 1. Ёқимли шамол эса бошлади. 2 . Адҳам чиройли ёзади.

Биринчи гапдаги сифат отга (ёқимли шамол), иккинчи гапдаги сифат эса феълга (чиройли ёзади) боғланган.

Сифат гапда кўпинча аниқловчи, кесим, баъзан ҳол бўлиб келади, масалан:

1. Одобли бола – элга манзур. 2. Чиройли ва хатосиз ёз!3. Осмон кўм-кўк.

Биринчи гапдаги одобли сифати аниқловчи, иккинчи гапдаги чиройли, хатосиз сифатлари ҳол, учинчи гапдаги кўм-кўк сифати кесим бўлиб келган.

Юқоридагиларни араб тили нуқтаи назаридан талқин қиладиган бўлсак, улар кўп жиҳатдан бир –бирига мос келади.

Ўзбек тилида озайтирма сифатлар мавжуд бўлиб улар ўзакдан англашилган рангинг , белгининг озлигини, камлигини билдиради.

Озайтирма сифатлар куйидаги қўшимчалар билан ҳосил бўлади.

1)-иш,-имтир(мтир). Бу қўшимчалардан –иш, -имтир ундош товуш билан битган оқ, кўк каби сўзларга , -мтир эса фақат қора сифатга қўшилади: оқиш ипак, кўкиш рўмол, оқимтир парда, кўкимтир сув, қорамтир сатин.

2) Рангни билдирувчи сифатдан олдин оч, ним сўзларини келтириш билан; ним сўзи билан ҳосил қилинган озайтирма сифатлар қўшиб ёзилади: оч қизил лента, ним-пушти рўмол.

3)-гина (-кина, -қина).Бу қўшимчалар ўзакдан англашилган белгининг кучсизлигини, озлигини билдиради, к,г билан битган сўзларга –кина, қ,ғ билан битган сўзларга –қина, бошқа ҳолларда –гина қўшимчаси қўшилади; кичкинагина ҳовли, юмшоққина нон, ихчамгина пальто. Араб тилида озайтирма сифатлар الضارب الى السّيف (сўзи (-га моил) ёрдамида ясалади.Масалан: қизғиш, қизғимтир- الضارب الى الحمرة

Оқроқ, оқиш- الضارب الى البياض, الضارب الى الزرقة

-Кучайтирма сифатлар рангни англатадиган сифатлардан куйидагича ҳосил қилинади:

1) Сифатларнинг бош қисми п ва м товушларидан бири (мос келган) билан биргаликда такрорланади. Бундай сифатлар чизиқча билан ёзилади: кип-қизил олма, сариқ - сап-сариқ беҳи, яшил- ям-яшил ўтлоқ, кўк- кўм-кўк осмон, катта-кап-катта бола.

Оппоқ кучайтирма сифати қўшиб ёзилади: Катта оппоқ дастурхон ҳамма ёқни қоплаган.

2) Сифатларнинг биринчи бўғини кейинги бўғиннинг биринчи ундош товуш билан бирга такрорланади. Бундай сифатлар чизиқча билан ёзилади: Бутун-бут-бутун кўйлак, думалоқ- дум-думалоқ тош, япалоқ- яп-япалоқ тош.

3) Сифатдан олдин тўқ, тим, жикқа, ғирт каби сўзларни келтириш билан. Бундай кучайтирма сифатлар ажратиб ёзилади: жикқа хўл ўтин, тим қора костюм ва бошқалар.

Араб тилида кучайтирма сифат орттирма даражадаги сифатлар каби ясалади

Энди ўзбек тилидаги қиёсий ва орттирма даражаларга тўхталадиган бўлсак, орттирма даража энг сўзини сифат олдига қўйиш орқали ясалади. Қиёсий даража –сифатгароқ қўйиш билан ясалади.

Араб тилида орттирма даража , (أَوْ أَحْمَرُ التَّفْضِيلِ) деб аталади. Улар муз - افعال муан.- فعای қолипида ясалади. لَيْلٍ - التيم қоронғу кеча, أحلى حلوى، أقوى- أقوى، أجرد- جيد

Араб тилида қиёсий даража من افعال қолипида ясалади. زيد أكبر من عمر.

Агар орттирма даражадаги сифат шахсни билдирса у аниқлик артикли билан ёзилади. هما الفضليان. , هما الأفضلان , هم الأفاضيل, هي الفضلى, هو الأفضل

Кесим вазифасида келса одатдагидек ноаниқ ҳолатда бўлади. الاله اكبر.

Орттирма даража ясалиши мумкин бўлмаган отлар масалан тўрт ўзакли отлар ёки ранг ҳамда жисмоний камчиликларни англатадиган сифатлардан ёрдамчи сўзлар أكث, أشد, أقل, каби сўзлар ёрдамида орттирма даража ясалиши керак бўлган ўзакдан ясалиши иш- ҳаракат номи- масдар ёки абстракт отлар олдига қўйиб ясалади. أشد بياضاً, أحسن تاريخاً. أكثر ديمقراطية

Ўзбек тилида араб тилидан фарқли ўлароқ отдан сифат ясовчи қўшимчалар ёрдамида ҳам сифатлар ясалади.

Масалан:

-ли. Ўзакдан англашилган маънога эга эканликни, предметнинг бирор иш ҳаракат учун яроқли, унга мос эканини билдиради. Расмни китоб, кучли шамол.

-сиз. Ўзакдан англашилган предметнинг йўқлигини билдиради: тутунсиз олов, тузсиз овқат.

-ий, - вий. Ўзакдан англашилган предметга хосликни билдиради. Ўзак унли товуш билан битса -вий, ундош товуш билан битса -ай қўшилади; тарбиявий соат, деворий газета, илмий ходим.

Аслида –ий, -вий қўшимчалари араб тилидаги нисбий отлар – ى, وى, ى қўшимчалари ёрдамида ясалади.

-чи, -ки, -қи. Предметнинг вақт ёки ўринга хослигини билдиради. Унли ва жарангли ундош товуш билан битган ўзакларга –ки ёки –қи қўшилади: баҳорги ишлар, қишки каникул.

-чан. Бирор хусусиятда ортиқликни билдиради: ишчан бола, ҳаракатчан ёшлар.

-сер. Ўзакдан англашилган маънони орттириб кўрсатади: сер ҳосил олма, сер-сув шафтоли, серунум тупроқ.

- ба ўзакдан англашилган маънога эгаликни билдиради. Бу қўшимча билан ясалган сифатнинг маъноси кўп вақт – ли қўшимчаси билан ҳосил бўлган сифатнинг маъносига мос келади: бақувват – қувватли, бадавлат-давлатли.

-бе- ўзакдан англашилган маънога эга эмасликни билдиради. Бу қўшимча билан ясалган сифатнинг маъноси -сиз қўшимчаси билан ҳосил бўлган сифатнинг маъносига мос келади. Беғубор- ғуборсиз, беҳабар-ҳабарсиз.

-симон. Ўзакдан англашилган маънога ўхшашликни билдиради. -симон қўшимчасидаги и унлиси жонли тилда у тарзида айтилса ҳам, ҳамма вақт – симон шаклида ёзилади: одамсимон, тухумсимон шакл.

Араб тилида бундан сифат على الشكل бирикмаси ёрдамида ифодаланади. على شكل البيض.

-ик. Ўзакдан англашилган маънога эга эканлигини билдиради: капиталистик давлатлар. Бу тоифадаги сифатлар ҳам араб тилида - ى - الأول الرأسمالية. Масала:

Феълдан сифат ясовчи қўшимчалар ёрдамида сифатларнинг ясалиши.

-чоқ ,-чак. Иш ҳаракат, ҳолат ва хусусиятда ортиқликни билдиради: мақтанчоқ куёнча, тортинчоқ бола , куюнчақ одам.

- гир,-кир, -кир,-кур. Ҳаравкат ёки ҳолатда ортиқликни билдиради: сезгир пионер, топқир бола, учқур от , кескир пичоқ..

-ма . Иш- ҳаракат натижасида ҳосил бўлган белги хусусиятни билдиради: кайнатма шўрва,

Бурма кўйлак.

-қ , -қи, -ик. Бирор хусусиятига эгаликни, шунга ҳосликни билдиради: илиқ сув, синиқ идиш, -қ ,-қи, қўшимчалари а унлиси о унлисига айланади ва о ёзилади: тарқа- тарқоқ, қайна- қайноқ , йиғла- йиғлоқ , сайра-сайроқи.

-оқ, -қоч – қочоқ, қўрқ- қўрқоқ , бақир- бақироқ..

Сўзларни қўшиб сифат яшаш

Сўзларни қўшишдан қуйидаги сифатлар ясалади.

1. Қўшма сифатлар : меҳнат севар бола;
2. Жуфт сифатлар: баланд-паст тепаликлар.

Қўшма сифатларнинг ясалиши ва ёзилиши

Қўшма сифатлар қуйидагича ясалади .

1. От ва отдан. Бундай қўшма сифатлар ажратиб ёзилади. Масалан : ҳаво - ранг бўёқ, бинафша ранг ипак.

Бундай сифат араб тилида маълум қолип ёки сўз билан ифодаланади.

2. Сифат ва отдан. Бундай қўшма сифатлар қўшиб ёзилади, масалан: қиммат баҳо совға.

Араб тилида бир сўз ёки лавзий изофа шаклида ифодаланади, яъни; عالى الثمن, نفيسي, ثمين,

3. От ёки равишга -ар қўшимчали феълни қўшиш билан ясалади. Бундай қўшма сифатлар қўшиб ёзилади. Масалан: Тинчликсевар халқлар, тезоқар дарё, меҳнатсевар;

دوب, محب للعمل, مجتهد: كروز

4. Отга – аро сўзини қўшиш билан. Бундай қўшма сифатлар қўшиб ёзилади. Масалан: халқаро аҳвол, колхозлараро мусобақа.

Бундай сифатлар араб тилида нисбий сифат ёки مابين қўмакчи ва олд қўмакчилар ёрдамида ясалади. وضع دوللى, المسابقات ما بين الجماعات الزراعية,

Жуфт сифатларнинг ясалиши.

Жуфт сифатлар қуйидагича ясалади:

1. Сифат антонимлардан: катта-кичик мамлакатлар.
2. Бир-бирига яқин маъноли сифатлардан: қинғир-қийшиқ кўчалар.
3. Жуфт сифатлар чизикча билан ёзилади: узоқ-яқин қариндошлар.

Жуфт сифатлар у-ю билан боғланса, чизикча қўйилмайди: Яккаю ягона фарзанд.

Сифатлар такрорланиб ҳам қўлланади. Бундай сифатлар чизикча билан ёзилади. Такрорий сифатлар ўзи аниқлаб келган предметнинг миқдор жиҳатдан ортиқлигини билдиради. Масалан: баланд-баланд тоғлар.

Бундай сифатлар араб тилида битта сўз билан ифода этилади. Баъзида جدا сўзини қўшиш орқали ҳам ифода этилади. بطيخ أحمر كبير جدا.

Умуман сифат сўз туркумлари ичида жуда муҳим грамматик вазифани бажарувчи бўлакдир.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Нисбий сифатлар араб ва ўзбек тилларида қандай ясалади?
2. Ўзбек ва араб тилларида орттирма даража қандай ясалади? Улар от билан бирикиб келганда қандай муносабатларни ифодалайди?

Мустақил иш топшириқлари:

1. Араб тилида орттирма даража сифатининг грамматик вазифасини баён қилинг.
2. Сифатнинг изофа бирикмасидаги грамматик функциясини шарҳланг.

Асосий адабиётлар:

1. Гранде. “ Курс арабской грамматики в сравнительно историческом освещении. Москва.1998г.
2. Н.Ибрагимов. “Араб тили грамматикаси”. Тошкент. 1997й.
3. Б.З. Холидов. “Учебник арабского языка.” Тошкент. 1977г.
4. А.Азизов. “Сопоставительная грамматика узбекского и русского языков.”г.Ташкент. 1986г.

Қўшимча адабиётлар:

1. Араб тили дарслиги (таркиб қоидалари) “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Т.2009й.
2. О.Мусаев. Араб тили асосий қоидалар тизими. Т.-2000й.
3. Суннатуллоҳ Бекпўлат. Араб наҳви. Т.-2007й.
4. Муҳаммад Фатих. قواعد اللغة العربية. بغداد-1975م

Мавзу: Араб ва ўзбек тилларида соннинг ифодаланиши

Дарс ўқув мақсади: Араб ва ўзбек тилларида соннинг ясалиши, грамматик вазифалари ҳақида қиёсий-таҳлилий маълумот бериш.

Тушунчалар ва таянч иборалар:

1. Сон, миқдор сон ;
2. Сон, келишик, морфологик қолиплар:
3. Тартиб сон, اول, فاعلة-فاعل, سادس, (أولى-)
4. Сон, от, аниқловчи, равиш.
5. Сон, феъл, изофа (مخصيص)

Асосий саволлар:

4. Ўзбек ва араб тилларида сон нималарни ифодалайди?
5. Саноқ сонларнинг араб ва ўзбек тилларидаги ифодаси.
6. Тартиб сонларнинг араб ва ўзбек тилларидаги ифодаси.
7. Соннинг араб ва ўзбек тилларидаги грамматик вазифаси.
8. Ўзбек ва араб тилларида соннинг ўзига хос хусусиятлари.

Агар сонга таъриф берадиган бўлсак, у ўзбек тилида қуйидагича жаранглайди.

Соннинг номини, предметнинг сон-саноғини, тартибини билдирган сўзлар туркуми сон дейилади. Сон неча? қанча? нечанчи ? нечта ? каби сўзларга жавоб бўлади.

Сонлар:

1. Соннинг номини билдиради: 5, 6, 10, 20 каби. Бундай сонлар эгалик қўшимчалари билан худди отлардек ўзгаради; гапнинг бош бўлаклари ва иккинчи даражали бўлаклари бўлиб келади.

2. Саналадиган предметларнинг сон-саногини билдиради. Бундай сонлар ўзгармайди; гапда аниқловчи ва кесим бўлиб келади. Масалан: Ўзи битта, қулоғи тўртта.

Сон бошқа сўз туркумларидан ясалмайди. Сонлар кўпинча рақам билан ёзилади.

Юқоридаги соннинг талқини араб тилидаги сонга ҳам бевосита тааллуқлидир. Араб тилида сон ўзининг грамматик моҳиятига кўра от, сифат ёки равиш бўлиши мумкин.

Саноқ сонлар саналмиш боғланганда 1-2 сонлари саналмиш билан жинсда тўлиқ мослашади. Ўзбек тилида эса сон от билан кулганда у билан бирикади.

Ўзбек тилида сонлар маъно ва грамматик жиҳатдан олти хил бўлади: 1. Миқдор сон. 2. Дона сон. 3. Тартиб сон. 4. Иама сон. 5. Жамловчи сон. 6. Тақсим сон.

Миқдор сонлар кун, ой, йил, кеча, кундуз, соат, нафар, нусха, тун, бет(саҳифа), миллиметр, сантиметр, минут, секунд, километр, қадам, қарич, энли, грам, тонна, литр, стакан, пиёла, сўм, марта каби сўзлар билан ишлатилади.

Араб тилида эса кун, ой, йил, соат кабилар тартиб сон билан ифодаланади. Йиллар саноқ сон билан ҳам ифодаланиши мумкин.

Масалан:

الاول من شهر تموز

العشرون من شهر رجب

فيمئة ألف و تسعما ته و صبع و تسعين. 1997-

587- (فى) المئة الصابغة و الثمانون بعد حمسمئة

Саноқ сонлар араб тилида 3-10 сонлар ва саналмишлар билан изофа бирикмасини ташкил этади. Масалан: ثلاثة من الطلاب, طلاب ثلاثة, ثلاثة طلاب.

Ўзбек тилида бош келишиқда сон ва саналмиш бир хил ҳолатда бўлади. Араб тилида эса 3 дан 10гача бўлган сонлардан кейинги от изофа кўплик ва

қаратқич келишиқда қўйилади. Муқояси учун ўзбек тилидаги қуйидаги мисолни келтиришимиз мумкин.

Олимлар бир йил 365 кеча – кундуз, 5 соат, 48минут,46 секунддан иборат эканлигини аниқлаганлар.

Тартиб сонларнинг араб ва ўзбек тилларидаги ифодаси.

Тартиб сон предметнинг санокдаги тартибини билдиради. Тартиб сон унли товуш билан битта миқдор сонга –инчи қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади.

Араб тилида эса тартиб сонлар (2дан 10гача) فاعل-فاعل қолипида ясалади. 1чи рақами бошқа ўзакдан ясаиб музаккар ва муаннаста бошқа кўринишга эга бўлади. Масалан: اول-اوللى, Олтинчи рақами ҳам худди шундай бошқа ўзакдан ясаиб, унинг ёзувдаги ифодаси қуйидагичадир. (سادسة) سادس.

11 дан 99 гача бўлган сонларда бирлик فاعل қолипида, 11-19 гача бўлган сонларда أل артикли билан тушум келишигида, ўнлик ноаниқ ҳолда ва тушум келишигида келади.

Улар тартиб билдираётган сўз биланжинса тўғри мослашади. “Биринчи” сўзи ўрнида бундай сонларда حاد (الحادى), муаннаста, حادية (الحادية) сўзи ишлатилади.

الدرس الحادى عشر.

20 дан юқори яхлит сонлар санок сонлардан фарқ қилмайди. Фақат улар отдан кейин аниқ ҳолатда келади. Масалан: الغرفة العشرون, الليلة الاثنتين, 2мингинчи кеча

21-99 гача яхлит бўлмаган тартиб сонларнинг аввал бирлар хонаси тартиби билдирилаётган сўз билан жинса мослашган ҳолда, و боғловчисидан кейин ўнлар хонаси (ҳар иккови ҳам тартиб сон шаклида) келади ва улар от билан келишиқда мослашади. Масалан: - الدس الثالث والخمسون - 53- дарс.

100дан (ортиқ) юқори тартиб сонларда ҳам шу услуб сақланади ва бунда юзлик хона олдин келади. Масалан: - الليلة الرابعة و السبعون بعد الثلاثئة - 374 кеча.

Гапдаги грамматик вазифасига қараб икки тилда ҳам сон деярли бир хил вазифани бажаради. Б ироқ араб тилида тартиб сон мослашган аниқловчи каби хусусиятга эга бўлганлиги учун у гапда мослашган аниқловчи вазифасини бажариб келади. Яъни, араб тилида сон моҳиятига (грамматик)кўра от, аниқловчи (сифат) ва равиш бўлиб келиши мумкин. Шундан келиб чиқиб улар жумлада тегишли гап бўлақларини ифода этадилар.

Ўзбек ва араб тилида соннинг ўзига хос хусусиятлари.

Араб тилида сон феъл ўзакларидан ясалади, яъни (إثنان, إثنان) ثنى, (واحد, احد) و احد ва ҳ.з.

Ўзбек тилида эса сонлар мустақил сўзлардан таркиб топгандир. Уларнинг феълий ўзаклари мавжуд эмас.

Араб тилида сон саналмиш мураккаб грамматик алоқани ташкил этади.

Ўзбек тилида эса сон, саналмиш билан битишув алоқасига киради.

Хулоса қилиб айтганда сон араб ва ўзбек тилларидаги энг муҳим морфологик атегориялар жумласига киради.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Сон деб нимага айтилади ?
2. Санок сонлар араб тилида қандай ифодаланади?
3. Араб тилида сонлар қандай ўзакдан ясалади?
4. Сонлар ўзбек ва араб тилларида қандай грамматик вазифаларни бажаради?
5. Араб ва ўзбек тилларида тартиб сон қандай ясалади?

Мустақил иш топшириқлари:

1. Саналар, ҳафта кунлари ва ойларни ифодалашдаги сонларни вазифасини шарҳланг.
2. Санок сонларда изофанинг қайси тури ифодаланади?

Асосий адабиётлар:

1. Б. Гранде. Курс арабской грамматики в сравнительно историческом освещении. М.1998й.
2. Н. Ибрагимов, М. Юсупов “Араб тили грамматикаси”.Т.1997й.
3. А. Фуломова, Й.Абдуллаев “Ўзбек тили дарслиги”. 5-6 синф. Т.”Ўқитувчи”.1985й.
4. А.Азизов “Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков”. Т.”Ўқитувчи”.1988г.

Қўшимча адабиётлар:

1. Г.Ш.Шарбатов. Современный арабский язык. М-1984г.
2. Аз-Замахшарий. Ал-Унмузаж фин-наҳв.
3. توضيح النحو. شرح ابن عقيل. د.عبد العزيز محمد فاخر. القاهرة-1995م
4. Суннатуллоҳ Бекпўлат. Араб наҳви. Т.-2007й.
5. Ғ. Абдурахмонов, Ш.Шукуров. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Т. 1973й.

Мавзу: Ўзбек ва араб тилида олмошларнинг қиёсий таснифи

Дарс ўқув мақсади: Араб ва ўзбек тилларида олмошларнинг турлари, уларнинг гапдаги вазифаси ҳақида қиёсий таҳлилий маълумот бериш.

Тушунчалар ва таянч иборалар:

1. Олмошлар – эга, тўлдирувчи, аниқловчи.
2. Олмошлар – от, сифат, сон.
3. Белгилаш, гумон, бўлишсизлик олмошлари.
4. Менинг, мени, меники, сенинг, сени, сеники.
5. ўзлик олмошлари - نفس , бирикма олмошлари.
6. Ўзим, ўзимнинг, ўз.

Асосий саволлар:

1. Ўзбек тилида олмошларининг турлари.
2. Араб тилида олмошларнинг турлари.
3. Олмошларнинг жумладаги грамматик вазифалари.

Авваламбор олмош-сўз туркумидир. Араб тилида эса у исм туркумига киради. Дарҳақиқат олмош – от, сифат, сон ўрнида қўлланиладиган сўзлар туркумидир. Олмошлар ўзбек тилида турланади, гапда кўпинча эга, тўлдирувчи ва аниқловчи бўлиб келади. Масалан: Мажлисга хамма келди. Директор хаммамизни табриклади. Сен қандай китоблар ўқидинг?

Ўзбек тилида хамма сўзи белгилаш олмошлари тарзида талқин этилса, араб тилида бундай олмош тури мавжуд эмас, كُلُّ، جَمِيعٌ сўзлари орқали ифода этилади. Олмошлар ўзбек тилида маъносига кўра 7 турга бўлинади: кишилик, ўзлик, кўрсатиш, сўроқ, белгилаш, бўлишсизлик олмошлари, гумон олмошлари.

Кишилик олмошлари.

Шахсни билдирадиган олмошлар кишилик олмошлари дейилади.

Кишилик олмошлари қуйидагилар: мен, сен, у, биз, сиз, улар.

Кишилик олмошларининг I ва II шахс кўплигига –лар қўшимчаси қўшилиб келиши ҳам мумкин: бизлар келдик. Сизлар борингиз. Бунда кўплик маъноси таъкидланади.

Араб тилида бундай ифода услуби мавжуд эмас. Кишилик олмошлари мен ва сен қаратқич ва тушум келишикларида келганда, шунингдек, -нинг қўшимчасини олганда, бир н тушиб қолади ва шундай ёзилади: менинг, мени, сенинг, сени, меники, сеники, -ники қўшимчаси бирор предмет ёки нарсага эгалик маъносини англатади.

Кишилик олмошининг III шахс бирлиги жўналиш, ўрин пайт, чиқиш келишиклари билан турланганда, бир н ортиради ва шундай ёзилади: унга, унда, ундан.

Ўзлик олмоши.

Предметни аниқлаб ёки таъкидлаб кўрсатиш учун ишлатиладиган ўз сўзи ўзлик олмоши дейилади. Масалан: Турсуной Каримова ўз бригадасида ишни яхши уюштирди.

Араб тилида ўзлик олмоши, бирикма олмоши тарзида ифода этилади. Баъзи ўринларда (нафсун) نفس сўзи ўзбек тилидаги ўзлик олмоши мазмунини бериши мумкин ёки бирикма олмошлари.

Ўзлик олмошининг маъноси икки хил:

1. Ўз уйи, ўз ватани каби бирикмаларда ўз олмоши от билан боғланиб, предметнинг шу от сўнгидаги эгалик қўшимчаси кўрсатган шахсга хослигини, тегишлилигини таъкидлайди. Бундай холларда у қаралмиш билан мослашиб, қаратқич келишигида ҳам келиши мумкин: ўзимнинг китобим каби.

2. Бу китобни ўзим сотиб олдим жумласида эса ўзлик олмоши эгалик қўшимчалари билан келиб, ўзим (мен ўзим), ўзинг (сен ўзинг), ўзи (у ўзи) сингари шахснинг танҳолигини таъкидлайди. Бу расмни ўзим ишладим.

Ўзлик олмоши эгалик қўшимчаларини олиб, учала шахс ўрнида ҳам ишлатилади. (Ўзим-мен, ўзинг-сен, ўзи-у) ва умуман предмет оти ўрнида кела олади. Бу соат жуда тўғри юради. Ўзи (соат) қиммат эмас.

Ўзлик олмоши турланади. Бироқ бунда келишик қўшимчалари бўлиши шарт. Масалан: ўзига боқма, сўзига боқ.

Кўрсатиш олмошлари

Предметни кўрсатиш учун ишлатиладиган олмошлар кўрсатиш олмоши дейилади. Масалан, Ўқитувчимиз мана бу бинода туради.

Кўрсатиш олмошлари қуйидагилар: у, бу, шу, ўша, ана, мана, ана шу, мана бу, анави.

У кўрсатиш олмоши кишилик олмошининг III шахс бирлиги билан шаклан бир хилдир. Гапда улар бир-биридан маъносига қараб фарқ қилиши мумкин.: Навоий улуғ ёзувчидир. У XV асрда яшаган гапларида у сўзи кишилик олмоши бўлиб, ким? Сўроғига жавоб бўлади. У китоб меники гапида у кўрсатиш олмоши бўлиб, қайси? Сўроғига жавоб бўлади.

У, бу, шу, ўша олмошлари жўналиш, ўрин пайт ёки чиқиш келишиги билан турланганда ёки уларга –дай, -ча қўшимчалари қўшилганда, қўшимча олдидан бир н товуши ортирилади ва шундай ёзилади: унда, унга, ундан, ундай, бундай, ўшандай, шунча.

Сўроқ олмоши.

Бирор предмет, белги ёки сон ҳақидаги сўроқни билдирган олмошлар сўроқ олмоши дейилади. Масалан: Сиз кимсиз, менда нима ишингиз бор. Мусобақада биринчиликни нечанчи звено олди?

Ким, нима олмошлари бирлик ва кўпликда қўлланади, эгалик ва келишик қўшимчаларини олади. Ким сўзлади? Музейда нималарни кўрдингиз? Бу киши кимингиз бўлади? (Сиз бу аёлнинг кими бўласиз?) مَاذَا تَلَوْنَ أَنْتَ مِنْ هَذِهِ امْرَأَةٍ؟

бу аёлнинг кими бўласиз? Қандай, қанақа, қайси олмошлари белгини аниқлаш учун ишлатилади: Қанақа қалам олдинг? Қайси китоб сеники.

Қанча, нечта, нечанчи, неча олмошлари сон миқдорини аниқлаш учун ишлатилади.

Белгилаш олмошлари.

Предметларни белгилаш учун ишлатиладиган олмошлар белгилаш олмоши дейилади. Масалан: Ҳамма соғ, димоғлар чоғ эди. Ҳар ким экканин ўрар.

Белгилаш олмошлари қуйидагилар: ҳамма, барча, бари, жами, бутун, ҳар ким, ҳар нима, ҳар бир, ҳар қайси.

Белгилаш олмошлари таркибидаги ҳар сўзи айриб ёзилади.

Ҳамма, барча белгилаш олмошлари кўплик маъносини ангдатади. Ҳамма борди. Барча эшитди. Бу олмошлар –лар кўплик қўшимчасини олиб, ҳаммалари, барчалари шаклида ҳам ишлатилади.

Белгилаш олмошлари эгалик ва келишик қўшимчалари билан қўлланади, масалан: Ҳаммасининг бир истаги бор.

Бўлишсизлик олмоши.

Инкор маъносини билдирган олмошлар бўлишсизлик олмоши дейилади, масалан, Дўконхонада Шокир отадан бошқа ҳеч ким йўқ.

Бўлишсизлик олмошлари эгалик ва келишик қўшимчалари билан қўлланади, масалан: У ўз китобларини ҳеч кимдан аямай ўқигани берар эди.

Бўлишсизлик олмошини ҳосил қилувчи ҳеч сўзи ҳар вақт айрим ёзилади: ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қанақа, ҳеч қандай, ҳеч қайси, ҳеч нарса.

Гумон олмошлари.

Ноаниқлик, гумон маъносини билдирган олмошлар гумон олмоши дейилади, масалан: Девор орқасидан аллакимларнинг овози эшитилар эди.

От ўрнида ишлатиладиган гумон олмошлари бирлик ва кўпликда кела олади ҳамда келишик билан турланади, масалан: Мираҳмад алланарсаларни ўйлади. Кимдир канизакни чақирди.

Алла- ёрдами билан ҳосил қилинган гумон олмошлари ҳар доим кўшиб ёзилади: аллаким, алланима, алланарса, аллақанча.

Сонлардан (нисбий) сифатнинг ясалиши.

Араб тилида сонлардан нисбий сифат ясалиши мумкин: Бунда одатдагидек فُعَالِيٌّ қўшимчаси қўшилади. Масалан тақсим сон араб тилида فُعَالِيٌّ коллипида ясалади. У бирор нарса, тушунча ёки ҳодисани бир неча қисмдан иборат эканлиги, бир неча бўлак қисмни ўз ичига олиши билдиради. Масалан: ثُنَائِيٌّ икки бўлак, икки қисм маъносини билдиради. Грамматик матнларда ثُنَائِيٌّ , ثَلَاثِيٌّ , رُبَاعِيٌّ сўзлари икки ҳарфли (ўзакли), уч ўзакли ва тўрт ўзакли маъноларини англатади.

مِئْوِيٌّ сўзи юзлик, юзталиқ маъноларини билдиради.

أَلْفِيٌّ – минглик, мингталиқ

$\text{النَّصِيبَةُ الْمِئْوِيَّةُ}$ – фоизий нисбат (процентдаги нисбат)

$\text{أَلْعِيدُ الْحَمْسُونِيُّ} = \text{أَلْعِيدُ الْحَمْسِنِيُّ}$ – Эллик йиллик байрам

Араб тилида олмошларнинг турлари.

Араб наҳвчилари олмошларни алоҳида сўз туркуми сифатида талқин этмайдилар, балки уни исм туркумида талқин этадилар ва куйидагича таснифлайдилар.

1. Шахсий олмошларни ($\text{الْإِسْمُ الْمَضْمَر}$) деб атайдилар. (яъни назарда тугулувчи отлар $\text{مُنْفَصِلٌ ضَمِيرٌ}$)
2. Кўрсатиш олмошлари ($\text{الْإِشَارَةُ إِلَى الْإِسْم}$)
3. Нисбий олмошлар ($\text{الْإِسْمُ الْمَوْصُول}$) бирлаштирувчи олмошлар.
4. Сўроқ олмошлари ($\text{الْإِسْمُ الْإِسْتِفْهَام}$)

Бундан ташқари кўрсатиш ва нисбий олмошларни араб наҳвчилар номаълум маъноли отлар $\text{مُبْهَمَةٌ أَسْمَاءُ}$ деб атайдилар. Бирикма олмошларини эса

кишилик олмошлари тоифасида талқин этадилар, яъни *متصل ضمير* , кишилик олмошини эса *كتابة* деб ҳам атайдилар.

Энди олмошларнинг турлари бўйича ўзбек ва араб тилларидаги олмошларни солиштирсак,

Ўзбек тилида нисбий олмошлар турлари йўқ эканлиги, араб тилида эса ўзбек тилидан фарқли ўлароқ белгилаш олмошлари, бўлишсизлик ва гумон олмошлари йўқ эканлиги ва бу мавжуд бўлмаган олмош турлари бошқа сўз ёки олмош турлари билан алмаштирилиши мумкин эканлигини кўрамиз.

Олмошларнинг жумлалардаги грамматик вазифалари.

Юқорида биз ўзбек тилидаги олмошларнинг грамматик вазифаларига тўхталиб ўтдик. Энди қисқача араб тилидаги олмошларнинг грамматик функцияларига тўхталиб ўтамиз.

Араб тилда шахсий олмошлар эга вазифасини бажаради.

Бирикма олмошлари эса отлар билан бирикиб ўзлик маъносини касб этади. Феъл билан келганда эса тўлдирувчи бўлиб келади.

Кўрсатиш олмоши эса эга, аниқловчи вазифасини бажаради. Шунингдек *إليه* бўлиши мумкин. Араб тилдаги аккумулятив мустақил бирикма олмоши ўзбек тилидаги тушум ёки бошқа келишиқда тусланган шахсий олмош вазифасини бажаради. Масалан: *أعطيتك إياه* Мен уни сенга бердим.

إياك نعبد و إياك نستعين

تُعطيهِ إِيَّايَ – Сен уни менга берасан

يُرِيهِم إِيَّاكَ – У сенга уларни кўрсатди.

Сўроқ олмошлари сўроқ юкламаларидан фарқ қилади. Сўроқ юкламалари *من* ва *ما* одатда содда сўроқ жумлаларда ва эргаш гаплар таркибида қўлланилади.

Нисбий олмошлар ҳам эргаш гаплар таркибида иштроқ этадилар.

Бундан ташқари олмошлар вазифасида, улар мақомида ишлатилувчи сўзлар ҳам бор.

Булар сўроқ сўз *كم* – нечта? *كذا* – мана бунча (сколькo-то)

Араб муаллифлари бу сўзларни “Белгили сўзлар”, бошқа сўзлар ўрнига қўйилувчи сўзлар (كنایات) деб атайдилар.

كم سўздан кейин от ноаниқ ҳолатда ва тушум келишигида қўйилади. كم كتاباً عندك сенда нечта китоб бор?

Агар у ب олд кўмакчиси билан қўлланилса, ундан кейинги от қаратқич келишигида қўйилади.

لا أعرّف كم كتابٍ عنده. За сколько динаров ты купил это? Сен буни неча динарга сотиб олдинг?

Сўроқ маъносидаги сўздан кейинги كم юкламасидан кейин сўз қаратқич келишигида қўйилади.

Унда нечта китоб борлигини билмайман. لا أعرّف كم كتابٍ عنده.

كذا سўздан кейин от тушум келишигида қўйилади.

كذا كذا دینارًا шунча, шунча динар

كذا сўзи бирикманинг иккинчи бўлаги ҳам бўлиши мумкин.

في سنة كذا фалончи йилда

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Ўзбек тилида қандай олмошлар бор?
2. Ўзбек тилидаги эгалик олмошлари араб тилидаги қайси сўз тур олмошларига мос келади?
3. Нечанчи шахс кишилик олмошлари турланганда н тушиб қолади ёки орттирилади?
4. Ўзлик олмошлари турланадими?
5. Араб тилида қандай олмошлар бор?
6. كم олмошми?
7. كناية нима?

Мустақил иш топшириқлари:

Араб ва ўзбек тилларида нисбий олмошларнинг гапдаги грамматик вазифасини шарҳланг.

Асосий адабиётлар:

1. Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков. А.А.Азизов. Тошкент 1983й.
2. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. Гранде Б.М. М.: 1998,
3. Учебник арабского языка. Холидов Б.З. Т1981й

Қўшимча адабиётлар:

1. Араб тили дарслиги (таркиб қоидалари) “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Т.2009й.
2. О.Мусаев. Араб тили асосий қоидалар тизими. Т.-2000й.
3. النحو الواضح. مصطفى أمين، علي جارم. بغداد 1998م.

Мавзу: Араб ва ўзбек тилларида феълларнинг қиёсий таснифи

Дарс ўқув мақсади: Араб ва ўзбек тилларидаги феълларнинг морфологик хусусиятлари, уларнинг грамматик вазифалари, улар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни қиёсий таҳлил қилиш.

Тушунчалар ва таянч иборалар:

1. Солим феъл ва иллатли феъл.
2. Солимсифат феъл, бошланиш ва яқинликни англатувчи феъллар (الأفعال المقاربة والشروع)

Асосий саволлар:

1. Араб ва ўзбек тилларида феълларнинг ясалиши. Феълларнинг ноаниқ шакли.
2. Араб ва ўзбек тилларида иш-ҳаракат номи.
3. Араб ва ўзбек тилларида феълларнинг таснифи.
4. Ўзбек ва араб тилларида феъл майллари.
5. Ўзбек ва араб тилидаги феълларнинг бир-биридан фарқлари ва ўхшаш жиҳатлари.

Араб ва ўзбек тилларида феълларнинг ясалиши. Феълларнинг ноаниқ шакли

Феъл – предметнинг ҳаракат ва ҳолатини ифодалайдиган сўз туркуми.

Феъл ўзбек тилида икки хил – морфологик (аффикслар ёрдамида) ва синтактик (сўзларни бириктириш билан) усул билан ясалади.

Феълнинг замонлари, функционал формалари, майллари, нисбатлари кабиларнинг ҳаммаси унинг буйруқ формаси ўзагидан ҳосил қилинади.

Феъл гап тузишда уюштирувчилик хусусиятига эга бўлиб, кўпинча бошқа сўзлари ўзига эргаштириб келади. Отлар асосан, феълларда ифодаланган

маъно талабига қараб келишиклар бўйича турланади. Масалан: Баҳор келди, Мен ишдан келяпман.

Гап бўлакларидан ҳол ва тўлдирувчи, асосан феълга боғланади.

Феълнинг морфологик белгилардан бири у тусланади. Бунда лексик ўзгариш юз бермайди, фақат шахсғсон, замон сингари маъноларини аниқлайди, кесимлик (предикативлик)ни кўрсатади.

Феълнинг асосий функцияси кесимлик бўлиб, гапда эга, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол вазибаларида ҳам келиши мумкин.

Ўзбек ва араб тилидаги феъллар ўтимли-ўтимсизлик, бўлишли-бўлишсизлик, майл, нисбат каби грамматик категорияларга эга.

Араб тилида иш-ҳаракат ёки ҳолатни билдирувчи бу сўз туркуми араб грамматикасида жуда катта ўрин тутаяди, чунки жуда кўп бошқа туркум сўзлари ҳам асосан феъл ўзаклари заминада ясалаяди.

Феъллар уч ўзак ундошли ва тўрт ўзак ундошлиларга бўлинади ва уларнинг кўпчилигини уч ўзак ундошли феъллар ташкил этади.

Бу ўзак ундошлар атрофидаги унлиларни ўзгартириш, у ёки бу ўзак ундошни иккилантириш, бирор ноўзак ундошни киритиш йўли билан феълларнинг ҳосила шакллари ясалаяди. Ҳосила шаклдаги феълларнинг, табиийки, мазмунида ҳам ўзгариш содир бўлаяди. Ҳосила шаклларни боблар деб аташ қабул қилинган. Уч ўзак ундошли феълларнинг 15та, 4 ўзак ундошли феълларнинг 4та боби мавжуд.

Бу бобларни ўзаро фарқлаш учун ном кўйилган. Араб тадқиқотчилари уч ўзак ундошли феълнинг бошланғич шаклини *فَعْلٌ ثَلَاثِيٌّ مَجْرَدٌ*, 4 ўзак ундошли феълнинг бошланғич шаклини эса шу бобнинг ҳаракат номи (масдари) атамаси билан атаганлар. Масалан: *بابُ التَّفْعِيلِ بِابِ الْإِفْتِعَالِ*, ва ҳоказо.

Араб тилида ҳам барча феъл боблари ўтган ва ҳозирги-келаси замонга эга. Улар шахсда, сонда, жинсда тусланади. Феъллар араб тилида аниқ ва мажҳул нисбатга эга. Араб тилида 5 та феъл майли бор.

Ўзбек тилида феълнинг ноаниқ шакли охири-моқ кўшимчаси билан тугаса, араб тилида феълнинг инфинитив шакли вазифасини феъл бобларининг 3-шахс музаккар шакли ўйнайди.

Араб ва ўзбек тилларида иш-ҳаракат номи

Ўзбек тилида иш-ҳаракат номи феълнинг асосий ўзагига (-моқ кўшимчасининг ўрнига) –иш(-ш) кўшимчасини қўшиш орқали ясалади. Масалан: кетмоқ – кетиш, ўқимоқ – ўқиш ва ҳ.к.з.

Араб тилида иш-ҳаракат номи феъл турига ва феълнинг бобларига қараб турли қолипларда ясалади.

Биринчи боб феълнинг масдари 40га яқин қолиплар ёрдамида ясалади.

3-ўзакли феълнинг II-X боб феълларининг масдарлари қуйидагича ясалади:

تفعلة، تفعيلٌ - II

مفاعلة، فعالٌ - III

إفعالٌ - IV

تفعلٌ - V

تفاعلٌ - VI

إنفعالٌ - VII

إفتعالٌ - VIII

إفعلالٌ - IX

إستفعالٌ - X

Ўзбек ва араб тилларида феълларнинг таснифи

Ўзбек тилида феъллар қуйидагича таснифланади.

1. от, сифат ва бошқа сўз туркумларидан –ла феъл ясовчи кўшимча қўшиб ясалади. Шивир-ла-моқ.

-а феъл ясовчи қўшиб – ош-а ошамоқ.

-й(-ой) феъл ясовчи кўшимча қўшиб: Масалан: қора-й – қораймоқ, куч-ай – кучаймоқ.

-сира, -са феъл ясовчи кўшимчалари отларга кўшиб, бунда от англатган предметни штат маъносини билдирувчи феъллар ясайди: сув-сира-моқ, уйқу-сира-моқ.

-илла (чирилламоқ);

-лан, -лаш (фахланди, ёрдамлаш-моқ).

-ира (ярқиради, ялтирамоқ ва ҳ.к.з.)

2. Кўшма феъллар:

1) Феъл бўлмаган сўз билан феълнинг бирикишидан ясалади: дам олмоқ, химоя қилмоқ, ёрдам берди – ёрдамлашди.

2) Икки феълнинг бирикишидан ясалади: сотиб олмоқ, чиқариб олмоқ. Кўшма феъллар ажратиб ёзилади.

Араб тилида эса феъллар куйидагича таснифланади. Араб тилидаги феъллар феъл ўзфкларининг таркиби, бажарадиган вазифасига қараб таснифланади.

Умумий тарзда араб феъллари тузилиши таркибига қараб куйидагича таснифланади.

1) Тўғри феъллар أفعال سالمة;

2) Нотўғри феъллар الأفعال المتعلة;

3) Тўғрига ўхшаш феъллар أفعال مثالية;

4) Бўш феъллар أفعال جوفاء;

5) Иллатли феъллар أفعال ناقصة

6) Ҳамзали феъллар أفعال مهموزة

7) Иккиланган феъллар أفعال مضاعفة

Феъллар ўзининг бажарадиган вазифасига кўра куйидагича таснифланади.

Масалан, таснифи бўйича جعل феъли أفعال سالمة га ҳам қиради. Бироқ جعل феълнинг таснифини أفعال التحويل таснифида кўриб чиқишлик ҳам амалий ва назарий аҳамият касб этади.

Ёки бўлмаса ترك، ردّ، صيّر، اتخذ феъллари ҳам мана шу феъл гуруҳига қиради. Агар биз уларни тузилишига кўра таснифласак. Аслида уларнинг ҳар

бири юқорида зикр этилган алоҳида гуруҳдаги феъллар, яъни أفعال سالمة, أفعال مهموزة, أفعال مضاعفة ва أفعال جوفاء га киритилиши мумкин.

Ўзбек ва араб тилларида феъл майллари

Феълда сўзловчининг иш-ҳаракатига муносабатининг ифодаланиши феъл майли дейилади. Феъл майллари иш-ҳаракат ҳақида хабар (моиллик), буйруқ-истак, шарт маъноларини англатади. Шу жиҳатдан ўзбек тилида феълларнинг 3та майли бўлади: хабар майли, буйруқ-истак майли, шарт майли.

Араб феъллари ўзбек тилидаги феъллардан фарқли ўлароқ 5та майлга эга. Булар аниқлик, истак, шарт, кучайтирма ва буйруқ майллари. Аниқлик майли феълнинг тегишли замон шакллари билан ифодаланади.

Буйруқ майли. Ҳозирги келаси замон шаклидан ясаиб, 1чи боб феълларида ўрта ўзак ҳаракатига қараб даммалик алиф(1 َ (а 2у) 3) ва касралик алиф (1 (2и) 3) феълдаги приставкалар ўрнига қўйилиб охири ҳаракат сукунланади.

Истак майли ҳам аниқлик (хабар) майлидан ясалади. Бунда у дамма, а фатҳа билан алмашади. Чўзиқ унлидан кейин келаётган нунлар тушиб қолади.

Шарт майлида феъл охири сукунланади. 2-3 шахс муаннас кўпликдаги нунлардан бошқа нунлар тушиб қолади.

Ўзбек ва араб тилидаги феълларнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқли жиҳатлари

Авваламбор ўзбек тилидаги феъл араб тилидаги феълга бажарадиган вазифаси нуқтаи назаридан ўхшайди.

Араб тилида ҳам ўзбек тилида ҳам феъллар шахс, замон, сонда ўзгаради. Феълларнинг ўтган ва ҳозирги замон шакллари мавжуд.

Ўзбек тилида феъллар тусланаётганда шахс замон кўшимчалари фақат феълдан кейин кўшилади. Араб тилида эса префикс ва шахс, сон кўшимчалари билан ҳозирги замон ифодаланади.

Ўзбек тилида 3та майл бўлса, араб тилида 5та феъл майли бор.

Иккала тилда ҳам ўтимли ва ўтимсиз феъллар мавжуд. Ўзбек тилида феъл икки хил – морфологик ва синтактик усулда ясалади, араб тилида фақат морфологик усулда ясалади.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Араб тилида феъллар қандай таснифланади?
2. Феъллар бажарадиган вазифасига кўра қандай таснифланади? Ўзбек тили билан қиёсланг.
3. Араб ва ўзбек тилидаги феълларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари нимадан иборат?
4. Араб ва ўзбек тилларида феъл майллари қандай ифодаланади?

Мустақил иш топшириқлари:

1. Араб ва ўзбек тилида феъл ясалиши ва тусланишида қандай муштараклик бор?
2. الأفعال المقاربة والشروع гуруҳидаги феълларнинг муқобиллари ўзбек тилида қандай ифодаланади?

Асосий адабиётлар:

1. Б. Гранде . Курс арабской грамматики в сравнительно – историческом освещении. М. 1998г.
2. Н.Ибрагимов, М.Юсупов “Араб тили грамматикаси” Т.1997й.
3. Э.Н.Мишкuroв. Морфологический строй современного арабского языка. Т.1992г.
4. Г.Ш.Шарбатов. Современный арабский язык. М.-1982г.

Қўшимча адабиётлар:

1. Араб тили дарслиги (таркиб қоидалари) “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Т.2009й.
2. О.Мусаев. Араб тили асосий қоидалар тизими. Т.-2000й.
3. Суннатуллоҳ Бекпўлат. Араб наҳви. Т.-2007й.
4. Муҳаммад Фатих. قواعد اللغة العربية. بغداد-1975م

Мавзу: Араб ва ўзбек тилларида мослашув категориясининг ифодаланиши

Дарс ўқув мақсади: Араб ва ўзбек тилларида мослашув категориясининг грамматик хусусиятлари ҳақида малака ва кўникмалар ҳосил қилиш.

Тушунчалар ва таянч иборалар:

1. Мослашув, ҳоким, тобе сўз.
2. Битишув, сўз боғланиши .
3. Бирикув, сўз боғланиши.
4. Лафзий изофада бирикув қандай амалга оширилади.
5. النعت الحقيقي , النعت.

Асосий саволлар:

1. Ўзбек тилида мослашувнинг ифодаланиши.
2. Сўзларнинг битишув орқали алоқага киришуви.
3. Сўзларнинг бошқарув орқали бирикуви.
4. Араб тилида мослашувнинг ифодаланиши.
5. النعت الحقيقي (صفة النعت)

Мослашув сўз бирикмаси таркибидаги элемент (сўз)ларнинг ўзаро эргашиш муносабатида бўлишдир. Бунда воқеа-ҳодиса белгиси ёки предметнинг маълум (шахс) предметга тегишлилиги, хослиги кўринади.

Бир эдемент ҳоким ва бошқа бири тобе бўлади. Ҳоким элементнинг ўзгариши билан тобеъ элемент ҳам ўз шаклини ўзгартириб унга мослашади. Қаратқич келишигидаги от ёки отлашган сўз қаралмиш билан мослашув алоқасига киришади. Масалан: пахтанинг толаси. Ёмоннинг яхшиси бўлгунча, яхшининг ёмони бўл. Ўзбек тилида сўзлар ўзаро қуйидаги усуллар билан боғланади.

Битишув. Ўзбек тилида бу алоқада икки сўз ҳеч қандай шаклий кўрсаткичларсиз боғланади. Бунда тобе сўзнинг ҳоким сўзга муносабати тартиб ва интонациядан билинади: Оппоқ қор, яшил дала, секин юрмоқ каби. Битишув алоқасида ҳоким сўз ўз шаклини ўзгартирса ҳам, тобе сўз ўз формасини ўзгартирмайди. Бу тобе сўзнинг лексик – грамматик хусусияти билан белгиланади. Ўзбек тилида тобе элемент одатда категориал хусусияти кўра морфологик жиҳатдан ўзгармайдиган сўз туркумидан бўлади.

Тобе сўз вазифасида асосан сифат ва равиш келади. Бироқ сифат равиш вазифасидаги, характеридаги бошқа сўзлар ҳам тобе сўз функциясида кела олади: Чиройли бино, тез югурмоқ, “девор соат”, уй вазифа, от тўрва каби хослик, мансублик муносабатини билдирадиган бирикмаларнинг компонентлари ҳам ўзаро битишув алоқасига киришган. Чунки, улар формал-грамматик ёки лексик грамматик воситалар орқали эмас, балки тартиб орқали бир-бири билан боғланади.

Битишув орқасида ҳоким сўз от ва феълдан иборат бўлади. Ҳоким сўз отдан таркиб топган бўлса, атрибутив муносабат ифодаланади: кўм-кўк дала, тиниқ сув, мусаффо осмон каби.

Араб тилида сўзларнинг бундай муносабати, мослашган аниқловчилик бирикма ёки изофа бирикмаси орқали ифодаланади.

Ҳоким сўз феълдан бўлганда ҳолли муносабат ифодаланади: тез юрмоқ, кўп гапирмоқ. Араб тилида бундай битишувда тез, кўп сўзлари ҳол шаклида ифода этилади.

تَعْلَمَ، كَثِيْرًا، مَشَى، مَسْرَعًا

Баъзи сўзларда келишик қўшимчалари ўз грамматик функциясини бажара олмайди: Яқинда келмоқ, чиндан айтмоқ, тезда қайтмоқ.

Бошқарув алоқаси. Бу алоқада тобе сўз ҳоким сўзнинг талаби билан маълум шаклга киради: Тобе сўз ё бирор келишик қўшимчасини олади. Ёки бирор қўмакчи билан бирга келади. Шунга қараб бошқарув алоқаси икки турга ажралади:

а) келишикли бошқарув

б) кўмакчилик бошқарув.

Келишикли бошқарувда тобе сўз ҳоким сўзнинг талаби билан тушум, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишикларидан бирида қўлланади. Бу унинг тобелигини кўрсатувчи белгидир. Иложи бўлса, сизни бу квартирадан ҳовли уйга кўчирамиз.

Кўмакчили бошқарувда тобе сўз ҳоким сўзнинг талабига биноан бирор кўмакчи билан бирга қўлланади. Бу унинг тобелигини кўрсатувчи белгидир.

Ўзбек тилидаги мослашувда тобе сўз ўз шаклини ҳоким сўзнинг шаклига тенглаштиради. Бунда ҳоким сўзнинг шакли ўзгариши билан тобе сўзнинг шакли ҳам ўзгаради. Тобе сўз ўз шаклини ҳоким сўзнинг шаклига мувофиқлаштиради, мослаштиради. Демак, мослашув алоқасида ҳоким сўз шаклининг ўзгариши тобе сўзга таъсир қилади. Шу жумладан у бошқарув алоқасидан фарқ қилади. (бошқарув алоқасида ҳоким сўз шаклининг ўзгариши тобе сўзга таъсир қилмас эди).

Мослашув алоқаси орқали, асосан, предикатив муносабат ифодаланади. Масалан: Биз ҳаётни севамиз, тинчлик истаймиз. Бу гапда кесим вазифасида келган севамиз, истаймиз-сўзлари эга вазифасида келган “биз” сўз билан мослашган.

Ўзбек тилида мослашув шахс ва сон жиҳатдан бўлиши мумкин.

Кесим вазифасидаги сўзнинг ўз ҳоким сўзига шахс ва сон жиҳатдан моспашишга эга I ва II шахс олмошлари билан ифодаланганда рўй беради.

Демак , бу ерда тўлиқ мосликни кўрамиз; Мен келдим, Сиз келдингиз каби.

Эга кўпликдаги III шахс олмоши билан ёки от билан ифодаланганда, кесим вазифасидаги сўз у билан шахс жиҳатидан эса мослашиши шарт эмас.

Араб тилида мослашган аниқловчилик муносабатда мослашув категорияси кўпгина морфологик кўрсаткичлар, чунончи шахс, сон, келишик ҳамда ҳолатда намоён бўлади, яъни мазкур кўрсаткичлар бўйича мослашув тўлиқ бўлади. Масалан:

Улкан шаҳарлар - المدن الضخمة

Мослашув алоқаси сўз бирикмаси составидаги элементлар орасида ҳам учраши мумкин. Қаратувчи ва қаралмиш муносабатини ифодаловчи бирикмаларнинг элементлари орасида мослашув алоқасини кўриш мумкин. Масалан: Менинг ўғлим. Араб тилида бундай бирикма бирикма олмошлари орқали ифо да этилади. Масалан **أبن** Араб тили нуктаи назаридан кўриб чиқадиган бўлсак, битишув, бошқарув ҳоллари ўзига хос тарзда содир бўлади. Тобе ва ҳоким сўзлар бирикиб, мослашган аниқловчи ҳосил қилади. Мослашган аниқловчи одатда предметнинг белгисини билдирувчи сифатловчи аниқловчидир. Мослашган аниқловчи кўпинча аслий ва нисбий сифатлардан, тартиб сонлардан, аниқ ва мажҳул нисбат сифатдошлардан, кўрсатиш олмошларидан ва бошқалардан ифодалан ади. Араблар бундай аниқловчилик муносабатини **العت** деб атайдилар. Ўзбек тилига уни аслий сифат ишлатиш мумкин. Нарса ранг туси, инсон ва жониворларнинг физик ваички хусусиятлари хуллас, сезги аъзолари билан билиб бўладиган белгилар аслий сифат орқали ифодаланади. Гапда сифат мослашган аниқловчи бўлиб келади.

Аслий сифат нарсанинг қандайлигини, хусусиятини, шаклини, тусини, миқдори ва ясалишига кўра белгисини кўрсатад. У тобе бўлиб келаётган исмни сифатлайди, яъни изоҳлайди ва у билан юқорида айтиб ўтганимиздек 4 ҳолатда мослашади.

Сифатлар барча турлари кейин қўйилади. Фақат кўрсатиш олмошларигина отдан олдин қўйилади.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Мослашув деб нимага айтилади ?
2. Сўзлар битишув орқали қандай боғланади ?
3. Бирикув нима ? Унда сўзлар қандай алоқага киради ?
4. **العت السببىلى – النعت** нима?
5. Араб тилида мослашган аниқловчи қандай ифодаланади ?

Мустақил иш топшириқлари:

Араб тилида мослашув категориясининг сондаги ифодасини баён қилинг (реферат).

Асосий адабиётлар:

1. Б.Гранде . Курс арабской грамматики в сравнительно – историческом освещении. М. 1998г.
2. А.Фуломов, М.А.Асқарова “Ҳозирги ўзбек адабий тили”.Т.1968й.
3. Ғ.Абдурахмонов, Х.Рустамова “Она тили 10-11- синф” . Т. 1997й.

Қўшимча адабиётлар:

1. В.Г.Лебедев, Ю.И.Маляров. Учебник по речевой практика арабского язкка. Основной курс. Част-2. М.1984г.
2. В.Г.Лебедев. Арабская грамматика. М.1984г.
3. Муҳаммад Фатих. قواعد اللغة العربية. بغداد-1975م
4. النحو الواضح. مصطفى أمين، علي جارم. بغداد 1998م.

Мавзу: Ўзбек ва араб тилларида қўшма ва эргаш гап

Дарс ўқув мақсади: Араб ва ўзбек тилларида қўшма ва эргаш гапларнинг таркиби, улар орасидаги тафовут ва эргаш гапларнинг таржима хусусиятлари ҳақида малака ва кўникмалар ҳосил қилиш.

Тушунчалар ва таянч иборалар:

1. Қўшма гап, эргаш гап;
2. Боғланган қўшма гап;
3. Қўшма гап, мазмун, мақсад;
4. ثم، من، اللاتي، الذين، التي، الذي
5. ضمير عائد, аниқловчи эргаш гап;

Асосий саволлар:

1. Ўзбек ва араб тилларида қўшма ва эргаш гаплар;
2. Қўшма гапларнинг асосий белгилари;
3. Ўзбек ва араб тилларида аниқловчи эргаш гапнинг ифодаланиши;
4. Араб тилидаги аниқловчи эргаш гапда аниқловчи эргаш гап томонидан бош гапнинг аниқланиб келаётган гап бўлаги аниқ ва ноаниқ ҳолатда бўлиши
5. Араб ва ўзбек тилларидаги аниқловчи эргаш гапларнинг ўхшаш ва бир-биридан фарқли жиҳатлари

1. Ўзбек ва араб тилларида қўшма ва эргаш гап

Мазмуни, грамматик тузилиши ҳамда оҳангига кўра бир бутунликни ташкил этган, боғловчи ёки боғловчи вазифасидаги воситалар ёрдамида бириккан қурилмалар қўшма гапни ташкил этади.

Бошқача айтганда икки ёки бир неча содда гапнинг бирлашувидан тузилган гаплар қўшма гап деб айтилади. Мазкур содда гаплар мазмунан яхлит ҳолда бирикиб, умумий бир фикрни, мақсадни ифодалайди. Бундай

гаплар турли боғловчилар ёки боғловчи вазифасидаги воситалар ёрдамида, ёхуд турлича оҳанг билан ўзаро бирикади.

Қўшма гапнинг асосий белгилари:

1. қўшма гап таркибидаги содда гаплар бирини ёки бири иккинчисини мазмунан изоҳлайди ва ҳар иккиси бирикиб умумий мақсадни ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан: қўшнинг тинч – сен тинч. Бу қўшма гапни ташкил этган содда гаплар умумий фикрни – кишининг тинчлиги нима билан бўлишини ифодалайди, бу мазмун ҳар бир гап алоҳида олганда англашилмай қолади.

2. Қўшма гап таркибидаги гаплар грамматик томондан ҳам бир-бирига боғлиқ бўлади. Бу хил гаплар кесимнинг бир хил ёки бир-бирига мос шаклда эканлиги, уларда умумий иккинчи даражали бўлақларнинг бўлиши, содда гаплар таркибида мазмуни изоҳланаётган бўлақларнинг мавжудлиги, кесимлар бир хил бўлганда уларнинг бир ўринда умумийлашган ҳолда берилиши ва бошқа хусусиятлар – қўшма гап таркибий қисмларини тузилиши томонидан бир бирига яхлит боғлаб қўяди.

3. Қўшма гап таркибидаги гапларнинг оҳанг жиҳатдан ҳам ўзига хос хусусияти бор

Ўзбек тилидаги қўшма гаплар маълум мазмун муносабатларини ифодалаши, грамматик белгилари, тузилиши ва оҳангига кўра уч типга бўлинади:

1. Боғловчисиз қўшма гаплар;
2. Боғланган қўшма гаплар;
3. Эргаш гапли қўшма гаплар.

Араб тилида ҳам ўзбек тилида ҳам боғланган қўшма гапларга қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Боғланган қўшма гап деб тенг ҳуқуқли бири иккинчисига эргашмаган (бўйсунмаган) содда гаплардан тузилган қўшма гапларга боғланган қўшма гаплар деб айтилади.

Араб тилида қўшма гаплар боғланишига қараб 4 турга бўлинади;

1. Бириктирувчи боғловчилар билан боғланган гаплар; ثم، ف، و

و боғловчиси жумлалар ва уюшган жумлаларни боғлайди. Бундай жумлаларда иш ҳаракат бир вақтда амалга оширилиши керак.

Вақт нуқтаи назаридан бажарилиш кетма-кетлиги назарда тутилган қўшма гаплар ف ثم، боғловчилари билан боғланади. Айниқса, катта вақт оралиғида бўлиб ўтган жумлани аввалгиси билан боғлайди.

ذهبت إلى الجامعة ثم زرت صديقي محموداً

Ҳозирги араб тилида ва (و) боғловчиси замон муносабатларини (иш-ҳаракатнинг бир вақтда бўлиб ўтганлигини) ифода этиш учун қўлланилади.

У 5 ёшга кирганда отаси вафот этди. توفي أبوها وهي في الخامسة من عمرها

Шунингдек, иш-ҳаракат бевосита ҳамроҳ бўлган ҳолатни ифодалашда қўлланилиши мумкин.

У хонани тарк эта туриб йиғлади. تركت الغرفة وهي تبكي

Буни араб тилида الجملة الحالية деб атайдилар бундай жумланинг хусусияти шундан иборатки, иккинчи жумланинг эгаси шахсий олмош тарзида такрорланади. Кесим эса ҳозирги келаси замонда қўйилади.

Зидловчи боғламалар билан боғланган қўшма гап. Бундай гапда қўшма гапнинг бир бўлаги айтилган фикр бошқа бўлакдаги фикрга зид бўлади. Бу ерда зидловчилик муносабати қуйидаги боғламалар ёрдамида эришилади:

إلاَّ أَنْ، على أَنْ، لكنْ، لكنَّ،

4. Ажратувчи (айирувчи) боғламалар билан келган қўшма гап.

Бундай қўшма гап турида бир-бирига зид бўлган ҳодисалар ёки бўлмаса иш-ҳаракатнинг бир вақтда бажарилишига йўл қўйилмайди. Бошқача қилиб айтганда бирор воқеани бошқасидан айириб ёхуд воқеаларнинг галма-гал бўлаётганлигини англатиш учун أو ёки, такрорланув боғловчилар إما.....إما “ёки, ёхуд”, шунингдек, бир-биридан фарқ қилувчи турли жинсдаги боғловчилар إما.....أو “ёки.....ёки” боғловчилари қўлланилади.

إما نموت معاً إما نعيش معاً

Қўшма гапларда оҳанг жумлалар таркиби у ёки бу фаол шакли лексик ва фразиологик элементларининг қўлланилиши катта рол ўйнайди.

Ўзбек тилида эргаш гапнинг кесими қуйидаги сўз туркумлари орқали тузилади:

1) Сифатдошнинг –р/-мас шакли тури ва шу шаклнинг экан кўмакчи феъл билан бириккан шакли пайт эргаш гапнинг кесими бўлиб келади. *Мажлис тугар-тугамас, Сиддиқжон лип этиб чиқиб кетди.*

2) Равишдошнинг (и), -май, -гач, -гунча шакли турли равиш, пайт, шарт, тўсиқсиз каби эргаш гапларнинг кесими вазифасида келади.

Водокачка битгунч, ариқлар тайёр бўлади.

3) Буйруқ майли. Буйруқ майли тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими сифатида қўлланилади. *Улар юзларча қўл бўлсин, Йўлчи улар билан ёлғиз курашажак, бўғишажак.*

4) Шарт феъли деярли ҳамма эргаш гапларнинг кесими вазифасида келади.

5) Феъл. *Кимки меҳнатнинг зўрини қилдириши – одамнинг сараси ана у.*

Мустақил равишда маълум шахс кўрсата олувчи феъллар ҳам эргаш гапларнинг кесими вазифасида қўлланилади. Аммо кесим мустақил феълдан ифодаланувчи эргаш гапларда маълум грамматик ва лексик-грамматик воситалар бўладик, улар эргаш гапни алоҳида ажратиб туради. Бундай воситаларга боғловчилар (-ки, агар, чунки, токи, деб), юкламалар (-ми, худди), нисбий олмошлар киради.

6) эргаш гапнинг кесими кўп ўринларда от-кесим шаклида бўлиб, от, сифат, сон, равиш ва бошқа модал маъноли сўзлар орқали ифодаланади. *Токи сен борсан, мен ҳам тирикман.*

7) ҳаракат номи кўмакчилар билан бирга эргаш гапнинг кесими бўлиб кела олади. *Бу шартнома мустаҳкам бўлиши учун, подшо ҳазратларидан сўралсин.*

Ўзбек ва араб тилларида аниқловчи эргаш гапнинг ифодаланиши

Ўзбек тилида аниқловчи эргаш гап бош гап таркибидаги от ёки олмош орқали ифодаланган бирор бўлакнинг белги, хусусиятини изоҳлаб келади.

Аниқловчи – изоҳ эргаш гап ҳар вақт бош гапдан сўнг келади. Бу хил эргаш гаплар бош гап таркибида *шундай*, бир олмошлари ва унга мос ҳалда эргаш гап таркибида *бундай*, *бу*, *бу хил* ёки у, унинг олмошлари бўлиб, эргаш гап бу олмошлар орқали аниқланмиш-отнинг маъносини изоҳлайди, тўлдиради. Бош гапдаги олмошлар аниқловчи вазифасида, эргаш гапдаги олмошлар эса, турли вазифада келади. *Бу шундай ажиб диёрки, унинг зўр кўзгуси ойдир.*

Аниқловчи эргаш гап деб, эргаш гап шаклидарасмийлаштирилган аниқловчини айтамыз. У бош гапнинг от ёки от вазифасини бажариб келаётган бирорта бўлагини аниқлаб, изоҳлаб келади. Шунингдек, аниқловчи эргаш гаплар барча аниқловчилар каби белгига ҳам ишора қилади. Одатда, аниқловчи эргаш гап ўзи аниқлаб келаётган сўз-аниқланмишдан кейин кўйилади. Араб тилида бу турдаги гаплар бош гапнинг ўртаси ёки охиридан жой олиши мумкин.

Аниқловчи эргаш гапнинг бош гап эргашуви икки турли воситасиз ва воситали бўлади.

1) бош гапнинг аниқловчи эргаш гап томонидан аниқлаб келаётган гап бўлаги грамматик аниқ бўлса, эргашув воситали, яъни нисбий олмошлар ёрдамида амалга оширилади.

2) бош гапнинг аниқловчи эргаш гап томонидан аниқлаб келаётган бўлаги ноаниқ бўлса, эргашув воситасиз, яъни олмошларсиз амалга оширилади. Араб тилидаги аниқловчи эргаш гап ўзбек тилидаги эргаш гапга қараганда бир мунча таркиб жиҳатдан соддароқ.

جاء الطالب الذي يتعلم في الجامعة – جاء طالب يتعلم في الجامعة

Бу ерда восита вазифасини нисбий олмошлар *الذي*, *التي* (унинг ҳосилалари *ما*, *من*) кабилар бажаради.

Бироқ нисбий олмош мустақил ва ўзи бошлаб келаётган эргаш гапнинг ҳеч бир бўлагига тобе муносабат сақламайди. Демак, у эргаш гапнинг таркибий қисми сифатида қабул қилинмайди ҳам, балки эргаш гапнинг ўзи унинг мазмунини мантиқан кенгайтириб боради. Эргаш гапнинг эргаштирув

кўрсаткичлари الذي ва унинг гуруҳи сон ва жинсда аниқланмиши билан мослашади.

Бош гапнинг аниқланаётган бўлаги жуда кўп ҳолларда аниқловчи эргаш гапнинг мантикий эгаси сифатида талқин этилади. Бироқ мазкур сўз эргаш гапдаги иккинчи даражали бўлақларнинг бири бўлиб келиши ҳам мумкин. Бу ҳолда қайтувчи олмош пайдо бўлади. У шаклан учинчи шаклдаги бирикма олмошларига монанд бўлади.

Қайтувчи олмошлар бош гап таркибида бўла туриб, аниқловчи эргаш гап билан грамматик муносабатда бўлган бўлақнинг эргаш гапдаги “нусхаси” ёки “вакили” бўлади – унга ишора қилади. У билан сон ва жинсда мослашади.

Ўзбек тилидаги аниқловчи эргаш гап бош гапга боғланиши, синтактик тузилиши эргаш гапнинг кесими ифодаси билан аниқловчи эргаш гапдан фарқ қилади.

Араб тилидаги аниқловчи эргаш гапбош гап билан нисбий олмошлар ёрдамидагина қўлланилади. У кўпроқ рус тилидаги аниқловчи эргаш гапга ўхшаб кетади.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Қўма гап деб нимага айтилади?
2. Эргаш гап деб нимага айтилади?
3. Қўшма гапнинг асосий белгилари нималардан иборат?
4. Ўзбек тилидаги қўшма гаплар неча типга бўлинади?
5. Араб тилида қўшма гаплар қандай боғланади?
6. Ўзбек ва араб тилидаги аниқловчи эргаш гапнинг қандай ўхшаш ва фарқли жиҳатлари бор?

Мустақил иш топшириқлари:

ما ва من нисбий олиошлари иштирок этган аниқловчи эргаш гапни ўзбек тилидаги муқобили билан қиёсий таҳлил қилинг ва уларнинг таржима хусусиятларини аниқланг.

Асосий адабиётлар:

1. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. М.1998г.
2. Иброҳимов Н.И., Юсупов М. Араб тили грамматикаси Т.1997й.
3. Ғ.Абдурахмонов. Ўзбек тили грамматикаси. Т.1996й.

Қўшимча адабиётлар:

1. К.Кузмин. Учебник арабского язқка. М. 2003г.
2. В.Г.Лебедев, Ю.И.Маляров. Учебник по речевой практика арабского язқка. Основной курс. Част-2. М.1984г.
3. Ф.Абдуллаев Сўзлар ўзаро қандай боғланади? Т. 1974й.
4. عماد خاتم. اللغة العربية. 1981م.
5. مُحَمَّد فَاتِح. قواعد اللغة العربية. بغداد-1975م.

Мавзу: Араб ва ўзбек тилларида содда гапнинг қиёсий таҳлили

Дарс ўқув мақсади: Араб ва ўзбек тилларидаги содда гапларнинг қиёсий таҳлили ва грамматик хусусиятлари ҳақида маълумот бериш.

Тушунчалар ва таянч иборалар:

1. Гап, дарак гап турлари.
2. Содда гап, содда ёйиқ ва йиғиқ гап.
3. Дарак гап тартиби, инверсия.
4. От, сифат, равиш, олмош, сифатдош.
5. Эга, кесим, мослашув.

Асосий саволлар:

1. Гап деб нимага айтилади?
2. Содда гап. Содда гап турлари. Уларнинг араб ва ўзбек тилларидаги талқини.
3. Ўзбек ва араб тилларида гап бўлақларининг ифодаланиши.

Маълумки, гап орқали биз маълум фикрни баён қиламиз.

Сўзлар воситаси билан англатилган фикр гап деб аталади. Масалан: Пахтп хилқимизнинг энг қимматли бойлигидир.

Айрим ҳолларда биргина сўз ёрдами билан ҳам фикр ифодаланади. Масалан: Куз, колхозчилар мўл ҳосилни йиғиб олмоқдалар.

Демак, баъзан биргина сўз ҳам гап бўла олади. Гапнинг маъносига қараб ўзбек ва араб тилларида ёзувда гапнинг охирга нуқта, сўроқ ёки нуқта белгиси қўйилади.

Содда гап деб эга ва кесимдан иборат бўлган жумлага айтамыз. Бундай жумла йиғиқ содда гап ҳам деб аталади. Агар содда гапдаги эга исмий бўлса ва унинг мослашган аниқловчиси бўлса, ёки аксинча кесимнинг мослашган аниқловчиси бўлса, бунда жумла содда ёйиқ гап деб аталади.

Гапда сўз таркиби ва гап турлари

Дарак гап таркибидаги гаплар ўзбек тилида маълум тартибда келади.

Дарак гапда биринчи ўринда эга (ундан олдин пайт ҳоли ҳамда аниқловчи келиши мумкин), иккинчи ўринда тўлдирувчилар (ўзига қарашли аниқловчилари балин), учинчи ўринда равиш ҳоли, тўртинчи ўринда кесим келади. Масалан: Кеча ёш ҳаваскор колхозчиларга катта концерт қўйиб берилди. Колхозимизнинг клуби турли плакатлар билан яхшилаб безатилди.

Аммо дарак гапда сўзларнинг тартиби ўзгариши мумкин.

1. Бугун мактаб ҳовлисига ўқувчилар тўпландилар.
2. Ўқувчилар мактаб ҳовлисига бугун тўпландилар.
3. Бугун ўқувчилар мактаб ҳовлисига тўпланадилар.

Юқоридаги жумлалардан кўришиб турибдики, дарак гапдаги сўзларнинг ўрин алмашилиши билан гап бошқача тус олади.

Гап таркибидаги сўзларнинг алмашилиши инверсия деб аталади. Инверсия айниқса, шеъриятда кўп учрайди. Инверсия нутққа турли хил ранг-тус беради.

Баъзан гапдаги маълум бир бўлакнигина алоҳида эътибор берамиз ва уни гапда бошқа бўлақлардан ажратиб кўрсатамиз. Бу ҳодиса логин урғу ёхуд гап урғуси дейилади. Гап урғуси инверсия билан боғланган бўлади. Алоҳида эътибор берилган бўлак одатда феъл кесимдан олдин келади. Масалан: Ўқувчилар макта ҳовлисига бугун тўпландилар (кеча эмас, бугун). Бугун мактаб ҳовлисига ўқувчилар тўпландилар (бошқалар эмас, ўқувчилар). Баъзан гап урғуси оҳанг билан ифодаланади. Гапларнинг мазмун жиҳатдан турига қараб, уларда сўз тартиби ҳам бошқачароқ бўлади.

Ундов гапларда баъзан феъл кесим гап бошида келади: Яшасин ўзбек ёшлари! Яшасин бизнинг ғолиб командамиз!

Сўроқ гапларда сўроқ аниқловчи сўз эътиборни ўзига жалб этган бўлак билан бирга феъл кесимдан олдин келади. Масалан: Мактабда қачондан бери ўқийсиз? Қайси мактабда ўқийсиз? Ҳар куни неча дарс ўқийсиз?

Гапда сўзларнинг ўзаро боғланиши

Гапда сўзлар бир-бири билан боғланган бўлади. Гапдаги сўзларнинг ўзаро боғланиши икки турли бўлади:

1.Тенг боғланиш, 2.Эргаш боғланиш.

Вазифаси бир хил бўлган сўзларнинг боғловчи ёрдами билан ёки боғловчисиз ўзаро бирикиши тенг боғланиш дейилади. Масалан: Кенг кўчалардан трамвай, автомобильва троллейбуслар кетма-кет ўтиб туради.

Бу каби ҳолларда вазифаси бир хил бўлган сўзлар бир-бирини аниқламайди, гапнинг бошқа бўлақларига нисбатан бир хил муносабатда бўлади.

Эргаш боғланишда сўзлар бири иккинчисига тобе бўлиб, уни аниқлаб, тўлдириб, изоҳлаб келади.

Сўзларнинг ўзаро эргаш боғланиши турлидир:

1.Мослашув, 2.Бошқарув: Битишув.

1) Гапда сўзлар бири иккинчиси билан шахс ва сон жиҳатдан мослашади.

Масалан: Мен мактабдан келдим. Сен қачон келдинг?

Бир сўзнинг иккинчи сўзга эргашиб, у билан шахс ва сонда мослашиб боғланиши мослашув деб аталади.

Ўзбек тилида кесим ҳар вақт эга билан шахс жиҳатдан мослашган бўлади. Араб тилида жинс категорияси ва отларда иккилик категорияси мавжуд бўлганлиги учун бундай мослашув ушбу категорияларни эгани кесимдан аввал ёки кейин келишига қараб мослашув ўзига хос равишда юз беради. Масалан: ذهاب الطالبات، الطالبات ذهين

Қарақич келишигида келган от ёки олмошлар бошқа отларга қаратилган бўлиб, эгалик қўшимчалари орқали шахс жиҳатдан мослашган бўлади. Масалан: Эркин мактабнинг ҳамма ишига актив қатнашади. Машраб ёшлик ва йигитлик даврини жуда қийинчилик билан ўтказган.

2) Гапдаги сўзлардан бири ўзига қаратилган бошқа сўзларнинг бир келишида бўлашини талаб қилади. Масалан: Синфда тартибни сақланг. Бу йил талабалар Мисрга ўқиш учун жўнайдилар.

Одатда ўтимли феъллар ўзига қарашли отларни тушум келишигида, ўтимсиз феъллар эса, чиқиш ёки жўналиш келишигида бўлишини талаб қилади. Масалан: Эркин Собирни кўрибди. У мактабга борди. Бир предмет иккинчиси билан солиштирилганда, сифат бтлан ифодаланган кесимдан олдин келган от чиқиш келишигида келадива улар бошқрув йўли билан боғланади. Масалан: Пўлат темирдан қаттиқроқ.

Шунингдек, от ва равишлар ҳам ўзи билан мазмунан боғланган сўзнинг маълум бир келишида бўлишини талаб қилади ва улар ҳам бошқарув йўли билан боғланади; Бундан кўп, кунлардан бир кун.

3) Кўп вақт бирор сўзнинг иккинчисига тобе эканлигини айрим кўшимчалар орқали ифодаланмай, маънодан ва сўз тартибидан билиниб туради.

Бир сўзнинг иккинчиси билан мослашмай, бошқарилмай боғланиши битишув деб аталади.

Предметнинг белги- сифатини, миқдорини аниқлаб келадиган сўзлар аниқланган сўздан олдин келиб, улар ўзаро битишув йўли билан боғланади; катта кўча, катта кўчадан, бешта ўқувчи, бешта ўқувчига.

Шунингдек, ҳоллар ҳам феъл кесимдан олдин келиб, улар ўзаро битишув йзли билан боғланган бўлади: Мен тез келдим. У завқланиб гапирди.

Ўзбек тилида одатда эга билан кесим бир-бири билан шахсда, сонда мослашади. Аммо бу хусусият ўзбек тили учун қонун бўла олмайди. Чунки эга билан кесим шахсда мослашмаслиги ҳам мумкин. Эга ва кесимнинг сонда мослашмаслиги эса меъёрий ҳол ҳисобланади. Масалан: Иморатлар қурилди.

Араб тилида эса мажҳул даражадаги феъл эга (от) билан жинсда тўлиқ мослашади. Масалан: كتبت الرسالة , كتب المكتوب.

Эга билан кесимнинг шахсда мослашмаслиги кўп ўринда меъёрий (нормал) саналади. Мен ўқитувчи , сен ўқитувчи, у ўқитувчи; шунингдек , учинчи шахс формаси ва кесими равишдош ёки сифатдош формасида бўлган эргаш гапларнинг кесими ҳам эга билан шахсда мослашмайди.

Бундай ҳолларда эга билан шахс ва сонда мослашмаган сўзшакллари маъноси (эга ҳақидаги ҳукм , тасдиқ ёки инкорни ифодалаш билан), вазифаси ва ўрнига (ўзбек тилида кесим гап охирида келади) кўра кесим саналаверади.

Умумий грамматик қоидага мувофиқ араб тилида эга (фeyл) от кесим билан мослашади. Бунда эганинг кесимдан олдин ёки кейин келишига қараб мослашув турли ҳолатда кечиши мумкин.

Агар феълий гапда эгадан аввал феъл (кесим) келса, у фақат бирликда кўйилади ва эга билан жинсдагина мослашади. Масалан:

ذهب الطالبان	ذهب الطلاب
ذهبت الطالبات	ذهب الطالبان

Исмий гапларда эса мослашув эга ва кесим ўртасида феълий жумлалардагидек. Баъзи жиҳатлари билан ўхшаб кетади.

Агар жумладаги эга ва кесим от (сифат)дан таркиб топган бўлса, шахс номини англлатувчи эга кесим билан тўлиқ мослашади Масалан: الطلاب عقلاء .Агар кесим турдош от ёки бирон бир нарса ёки предметдан таркиб топган бўлса эга ва кесим бир-бири билан жинсдагина мослашади. Масалан: البيوت جميلة.

Ўзбек ва араб тилларида гап бўлақларининг ифодаланиши

Ўзбек тилида дарак гапларда эга вазифасини от, сифат, сифатдош , сон, олмош ва бошқа сўз туркумлари билан ифодаланади.

Дарак гап кесими қуйидаги сўз туркумлари билан ифодаланади:

1. Аниқлик феъли билан : Салқин шамолларгина қизнинг сочлари билан ўйнашади.
2. Отлар билан: Инсон қўли гул.
3. Сифат билан: Ер, денгизда қудратимиз жуда зўр.

4. Сон билан. Хаммамизнинг осмон, ер, сувимиз бир.
5. Олмош билан: Дунёда энг яхши одамлар ана ўшалар.
6. Равиш билан: Тонг яқин, тонг яқин , оппоқ тонг яқин.
7. Иш отлари билан: Инсонга ҳурмат – бу ўзини танимоқ.
8. Бор ёки йўқ сўзлари билан: Ҳалқимизнинг чуқур идроки бор, ғурури, анъанаси бор.

9. Тинч оҳанг билан айтилиб, дарак- хабар маъносини ифодалаган ломинатив ва тўлиқсиз гаплар ҳам дарак гап саналади. Дон... Куз... Аччиқ шамол.

Араб тилида эга от, сифат, субстантив сифат ва сифатдош, олмош ва сон билан ифодаланиши мумкин.

Кесим араб тилида жумла турига қараб феълий ва исмий бўлади. Исмий жумлаларда кесим от ,сифат, сон,сифатдош, равишлар орқали ифодаланиши мумкин.

Юқоридаги талқинлардан кўриниб турибдики ўзбек ва араб тилларидаги содда гапларда маълум ўхшашлик ва тафовутлар бор эканлигини кўришимиз мумкин.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Гап деб нимага айтилади ?
2. Содда гап нима ?
3. Ўзбек тилида дарак гап тартиби қандай бўлади ?
4. Инверсия нима ?
5. Дарак гап турлари қандай ?
6. Араб тилида жумланинг таркиби қандай?
7. Ўзбек ва араб тилларида бош гап бўлаклари қандай ифодаланади ?

Мустақил иш топшириқлари:

Араб тилидаги содда гапнинг махсус турини ўзбек тилидаги муқобили билан қиёсий шарҳланг.

Асосий адабиётлар:

1. Ғ.Абдурахмонов. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент. 1996г
2. Г.Ш. Шарбатов. Современный арабский язык. Москва. 1982г.
3. Б.Гранде. Курс арабской грамматики в сравнительно историческом освещении. Москва.1998г.

Қўшимча адабиётлар:

1. Араб тили дарслиги (таркиб қоидалари) “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Т.2009й.
2. О.Мусаев. Араб тили асосий қоидалар тизими. Т.-2000й.
3. Суннатуллоҳ Бекпўлат. Араб наҳви. Т.-2007й.
4. Муҳаммад Фатих. قواعد اللغة العربية. بغداد-1975م
5. В.С.Храновений. Очерк по общему арабскому синтаксису. М.-1973г.

**Мавзу: Араб ва ўзбек тилларининг грамматик қурилиши ҳақида
умумий қиёсий маълумот**

Дарс ўқув мақсади: Араб ва ўзбек тилларининг грамматик қурилиши ҳақида умумий маълумот бериш.

Тушунчалар ва таянч иборалар:

1. Жинс ва келишик;
2. Грамматик маънолар, ёрдамчи сўзлар;
3. Тусланиш системаси;
4. Сўзлар, морфемалар.

Асосий саволлар:

1. Икки тил грамматик қурилиши ҳақида умумий қиёсий маълумот.
2. Ёзув ва имло ҳақида умумий маълумот.
3. Араб ва ўзбек тилларининг фонетик қурилиши.
4. Дифтонглар. Ўзаро фарқланувчи фонемалар.

Араб тили сомиё тиллар оиласининг жанубий шаҳобчасига оид бўлиб, у ўз генеологик тараққиётида уч босқични босиб ўтди: қадимги араб тили, классик адабий араб тили ва замонавий адабий араб тили. Грамматик хусусиятларига кўра араб тили флектив тиллар гуруҳига мансуб, бироқ у маълум даражада агглютинативлик хусусиятларини ҳам сақлаб қолган.

Араб тили 22 араб давлатининг расмий давлат тилидир. Қадимги адабий араб тилига Арабистон ярим ороли ва Суриянинг жанубидаги кўхна обидалар ва қоялардан топилган ёзувлар мисол бўлади. Уларнинг энг қадимгилари эрамининг IV-VI асрларига оиддир.

Араб тилига қуйидагилар хос:

1. Араб грамматикасидаги сўзлар 3 гуруҳга бўлинади. Булар: 1. Исм (الاسم); 2. Феъл (الفعل); 3. Ҳарф (الحرف). Морфологик хусусиятларига кўра бу 3

гуруҳга мансуб сўзларни бир-биридан осон фарқлаш мумкин. Грамматик тегишлилик осон ва аниқ аниқланади.

2. Сўзларнинг грамматик маънолари, морфологик, синтактик ва сўз тартиби орқали ифодаланади.

3. Исмларнинг маълум келишиқ тизими бўлиб, у исмларнинг аниқлик ва ноаниқлигига ишора қилади. Бундан ташқари улар музаккар ва муаннас жинсга, учта грамматик сон кўрсаткичларига эга.

4. Феъллар ривожланган тусланиш системасибилан характерланади.

Ўзбек тили эса туркий тиллар оиласининг жанубий-шарқий (Ўрта Осиё) ёки қарлуқ гуруҳига мансуб.

Ўзбек тили агглютинатив тиллар гуруҳига мансуб бўлиб, қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Сўзлар морфемаларга осон бўлинадилар;
2. Ҳар хил суффикслар мунтазам равишда сўз негизига қўшилади ва грамматик шакл ва маъноларни ифодалайди;
3. Ҳар бир суффикс битта маънога эгадир.

Ёзув ва имло ҳақида маълумот

Ҳозирги араб тили алифбоси 28 та ундош ҳарфдан иборатдир. Ҳарфларнинг аксарияти тўрт ёзма шаклга эга ва бош, кичик ҳарфлар фарқланмайди. Араб ҳарфлари чапдан ўнгга ёки тепадан пастга вертикал йўналишда ёзилади. 28 ундошдан алиф мустақил товушни ифодаламайди. Фақатгина ундош олдин(ги ҳарфнинг) ҳаракат(и) фатҳа () бўлса, у чўзиқ а () унлисини ифода этиш мумкин. Араб тилида 3 та қисқа ва 3 та чўзиқ унли бор.

Араб алифбосига қуйидаги белгилар қўшилади:

1. (танвин) фатҳа ([َ]);
2. (танвин) дамма ([^]);
3. (танвин) касра (_ِ);
4. суқун ([◌]);

5. ташдид (˘);

6. мадда (˜).

7. ҳамза (ˆ)

1чи бешта белги ундош ҳарфлар устига қўйилади. Мадда белгиси фақат алифнинг устига қўйилади.

Ҳамза белгиси мустақил товушни ифода этмайди. У фақатгина қисқа унлилар ва суқун ёрдамида ушбу белгиларга хос товушларни ифодалайди. Ҳамза ى و ا ҳарфларининг устига қўйилади ҳамда ўзи ўриндиксиз мустақил ёзилиши ҳам мумкин.

Ўзбек ёзувлари тарихида амалда ишлатилиб келинган асосий ёзув системасини фонографик, яъни товуш ёзуви, ҳарфий ёзув ёки алифбо ташкил этган. Ўзбек халқи Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари сингари оромий, юнон, сўғд хоразм, кушон, эфталит, паҳлавий, сурия, хинд, урхун, уйғур, араб ёзувлари каби бир қанча ёзувлардан фойдаланган. Ўзбек ёзувлари тарихини шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин.

1. 1917 йилгача араб алифбоси;
2. 1928 йилдан бошлаб лотин алифбоси;
3. 1942 йилдан кирилл алифбоси;
4. 1996 йилдан лотин алифбоси.

Янги ўзбек лотин алифбоси 29 ҳарф ва бир белгидан иборат бўлиб, 31 товушни ифодалайди.

Бўғин ва урғу

Араб тилида бир бўғинли сўзлар ундов сўзлар бўлиши мумкин. Кўпгина сўзлар 2 ва ундан ортиқ бўғиндан иборат. Ўзбек тилида эса сўзлар бир бўғинли ёки кўп бўғинли бўлади. Араб ва ўзбек тилларида бир бўғинда битта унли товуш бўлиши шарт.

Араб тилида бўғин 3 хил бўлади:

1. Қисқа бўғин – бир ундош ва унлидан иборат: ха-ра-жа – у чикди;

2. Чўзиқ бўғин – бир ундош ва чўзиқ унлидан ёки ундош + қисқа унли + ундошдан таркиб топган: қал-бун – юрак;

3. Ўрта чўзиқ бўғин – ундрш + чўзиқ унли + ундошдан иборат: хат-тун – муҳим.

Қайси товуш билан тугашига қараб бўғинлар 2 хил бўлади:

А) очик бўғин (агар унли товуш билан тугаса): ла (لا) – йўқ.

Б) ёпиқ бўғин (агар ундош товуш билан тугаса): бар-қун (برق) – телеграф.

Араб тилидаги урғу ўзбек тилидаги урғудан қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

1. Урғули бўғин урғусиз бўғинга қараганда овозни кўтариб бироз куч билан талаффуз қилинади;

2. Урғу ҳеч қачон охирги бўғинга тушмайди;

3. Икки бўғинли сўзда урғу биринчи бўғинга тушади: (صف) саф-фун;

4. Кўп бўғинли сўзларда урғу одатда чўзиқ бўғинга тушади: (يعملون)

5. Қисқа бўғинлардан иборат бўлган кўп бўғинли сўзларда урғу одатда иккинчи бўғинга тушади: ин-қа-ла-ба (انقلاب).

Ўзбек тилида бўғинлар сони ортган сайин урғуларнинг жойлашиши ва даражаси ўзгаради. От, сифат ва феълларда биринчи даражали урғу, асосан сўзнинг охирги бўғинига тушади: қа-лам, чинор, чиройли, кўрмоқ, демоқ.

Аммо кўп бўғинли сўзларнинг айрим шаклларида биринчи даражали урғу биринчи бўғинга ҳам тушиши мумкин: кўринг, етмиш.

Ўзбек тилида аффикслар 2 гуруҳга бўлинади: урғули ва урғусиз аффикслар.

Урғусиз аффиксларга кесимлик (-ман, -сан, ...), ўхшатиш (-дай, -дек), кичрайтириш – эркалаш (-гина, -кина, -қина), доналик (-та), чама (-тача), сон, сифат ва равиш ясовчи –ган қўшимчалари киради. Бундай аффикслар қўшилган сўзларда урғу ўзак – негизнинг охирги бўғинида қолади. Сўзларга урғули аффикслар қўшилганда эса, урғу ана шу аффиксларга кўчади.

Араб ва ўзбек тилларининг фонетик қурилиши ва қиёсий тавсифи

Нутқ жараёнида қўлланиладиган товушлар унли ва ундошларга бўлинади. Унли товушлар талаффуз этилганда ҳаво оқими нутқ органларидан ўтаётганда тўсикка учрамайди.

Ундош товушлар талаффуз этилганда ҳаво оқими тўсикка учрайди. Товуш пайдо бўлиши ўринларида нутқ органи таранглашган ҳолда бўлади.

Араб тилада жами 28 та ундош ҳарф бор. Баъзи муаллифлар ўз дарсликларида ҳамзани ҳам жарангсиз ундош деб, араб алифбосидаги ундошларни 1 тага кўпайтириб кўрсатадилар. Араб тилида 6 та унли бўлиб, жами 36 та фонема бор.

Араб тилида ундош товушлар:

1. Ҳосил бўлиш усулига кўра вуйидагиларга ажратилади:

А) портловчилар. Уларнинг ҳосил бўлишида талаффуз органларининг тўла жипслашуви натижасида ҳаво оқими кучли тўсикка учрайди ва товуш кучли портлаш билан чиқади. Масалан: ط ن ك

Б) сирғалувчилар ёки сизғалувчи (фрикатив) ундошлар. Бундай ундошларнинг ҳосил бўлишида талаффуз органи тўлиқ яқинлашмайди, лекин ҳаво оқими улар орасидан куч билан ўтади ва сирғалиш ҳосил бўлади. Бу сирғалиш шовқинли бўлади. Масалан: ف س

2. товушнинг иштирокига кўра жарангсиз ва жарангли ундошларга бўлинади. Жарангсиз ундошларнинг талаффузида товуш пайчалари титрамайди. Масалан: د ز

Жарангли ундошларнинг талаффузида эса товуш пайчалари титрайди. Масалан:

3. ҳосил бўлиш ўрнига кўра қуйидагича тасниф қилинади:

А) лаб ундошлари. Улар қаторига иккала лабнинг жипслашувидан ҳосил бўлувчи лаб-лаб (билабиаль) ундошлари (ب م) ва пастки лаб ва юқори тишларнинг орасида ҳосил бўладиган лаб-тиш (лабиодек тал) ундошлари (ف) киради.

Б) юмшоқ ёки палатал ундошлар. Улар тил ўртаси қисмининг қаттиқ танглайга тегиши ёки яқинлашиши билан ҳосил бўлади (ق).

Г) бўғиз ёки томоқ, халқум (лорингал) ундош – товушлар. Уларнинг ҳосил бўлиш ўрни бўғиз (ع).

Д) бурун (санор) товушлар. Товушларнинг талаффузида юмшоқ танглай пастга тушиб ҳосил бўлади. Бундай товушлар лаб-бурун (م) ва тиш-бурун (ن) санорларга ажратилади.

4. у ва и бўғин ҳосил қила олмайдиган унлилар ҳам ундош товушлар қаторига киради (у, и).

5. итбоқ (эмфатик) товушларнинг талаффузида тил учи тишга яқинлашади ёки тиш билан бирикади, тил ўртаси эса юмшоқ танглайга яқинлашади ва товуш куч билан чиқади (ص ض ط).

6. яна шундай товушлар борки, улар бошқа товушлардан талаффуз вақтида товуш пайчаларининг ажралишидан ҳосил бўлувчи портлашнинг кўшилиши билан ажралиб туради (ِ)Бундай товушлар “бўғиз портловчиси” деб аталади.

Ўзбек тилида унлилар 2 га бўлинади: а) олдинги қатор ёки тил олди унлилари: і, е, а; в) орқа қатор ёки тил орқа унлилари: и,о,а. Яъни, жами 6 та унли товуш бор.

Ўзбек тилида унлилар ёнма-ён келмайди. Қўш унлилар араб тилидан кирган сўзларда учрайди: иншоат, таассурот, матбуот.

Ўзбек тилида унлилар 3 хил йўл билан гуруҳланади:

1. тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра 2 га бўлинади:

А) олд қатор: а, е, і.

В) орқа қатор: о, и, а.

2. тилнинг ҳаракатига кўра 3 га бўлинади:

А) юқори тор: і, и.

В) ўрта кенг: е, о.

С) қуйи кенг: а, о.

Араб тилидаги қисқа унлилар ва чўзиқ унлилар талаффузда турғун ҳисобланади.

Ўзбек тилида эса баъзи сўзнинг биринчи ундошдан кейин ёки охири *i* харфи талаффуз этилмаслиги мумкин. *Kishi* – [k(i)she], *kichik* [k(i)chik].

Ундош товушларга келсак ўзбек тилида 23 та ундош товуш, 23 та харф белгиси бор. 1 та фонема алоҳида харф билан ифодаланмайди. *Joja*, *jiyda* сўзларида учрайдиган тил олди *d j* товуши ҳам, *jurnal*, *ajdar* сўзларида учрайдиган тил олди *j* ҳам битта *j* билан берилади.

Ундош товушлар товуш пайчаларининг ҳаракати, ҳолати ва оғиз бўшлиғининг қаерида тўсикқа учрашига фақат шовқиндан иборат бўлиши ёки овоз шовқиндан устунлигига, шунингдек, талаффуз этилиш усулига қараб бир-бирларидан фарқланади ва қуйидагича гуруҳланади:

1. Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра:
2. Ун пайчаларининг иштирокига кўра:
3. Ҳосил бўлиш усулига кўра:
4. Ҳосил бўлиш ўрнига кўра :
5. Таркибига кўра.

Дифтонглар

Араб тили унлилардан ташқари иккита дифтонг: “*au*” ва “*aw*” учрайди. Иккита унли товуш бирикмасини ифодалаган товушга дифтонг дейилади. Масалан: *mawjun*- тўлқин, *maudanun*-майдон.

Дифтонглар сўзда фақат ундош товушлардан аввал сўз бошида, сўз ўртасида ва сўз охирида учрайди.

Ўзаро фарқ қилувчи фонемалар

Араб тилидаги *ى ە ن م ل ك ق ف غ ش س ز ر ج خ د ر ز س ش غ ف ق ك ل م ن ى* ундошлари ўзбек тилидаги шу ундошлардан талаффуз жиҳатдан фарқ қилмайди.

Қуйидаги ундошлар ўзбек тилида учрамайди:

ث ح ذ ص ض ط ظ ع و

ظ ط ض ص итбоқ ундошлар дейилади. Бу товушлар талаффузининг муҳим шарти шуки, тил орқаси юмшоқ танглайга кўтарилади ва товуш куч билан чиқади. Итбоқ товушларнинг талаффузи бошқа ундошларга караганда анча жадал, нутқ органлари анча таранг бўлади.

Араб тили фонетикасига хос яна бир фонема ҳамзадир. Ҳамза портловчи, жарангсиз, бўғиз ундош товуши. У товуш пайчаларининг тўла бирлашиши ва уларнинг товуш чиқаришоралиғидан отилиб чиқадиган кучли ҳаво оқими остида очилиши натижасида ҳосил бўладиган кучсиз шовқиндир.

Бу товушнинг ҳосил бўлиши: юмшоқ танглай кўтарилади. Ва ҳавонинг бурун бўшлиғи орқали ўтадиган йўли ёпиқ бўлади. Ҳамза товуши бирон унли товуш талаффуз қилинишидан олдин ёки талаффуз қилингандан кейин эшитилади. Масалан: اقراء

Бу товуш “бўғиз портловчиси” деб ҳам юритилади ва у мустақил фонемадир. Бошқа ундошлар каби ҳамза ҳам ташдидланади.

Ҳамза товуши ҳозирги араб алфавитига киритилмай, ёзувда махсус белги билан ифодаланади.

Умуман, нутқдаги товушларнинг асосий вазифаси сўзларнинг маъноларини фарқлашдир.

Назорат савол ва топшириқлар:

1. Сонантлар деб қандай товушларга айтилади?
2. Фрикатив ундошларга қайси ундошлар киради?
3. Ҳосил бўлиш усулига кўра араб тилидаги ундошлар қайси ундошларга бўлинади?
4. Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра ўзбек тилидаги унлилар неча турга бўлинади.
5. Араб ва ўзбек тилидаги ундошларни нутқ аъзоси иштирок этишига қараб таснифланг.

Мустақил иш топшириқлари:

Араб ва ўзбек тилидаги ундош товушларни овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра, ҳосил бўлиш усулига кўра, ун пайчаларининг иштирокига кўра, ҳосил бўлиш ўрнига ва таркибига кўра таснифланг.

Асосий адабиётлар:

1. Б. Гранде . Курс арабской грамматики в сравнительно – историческом освещении. М. 1998г.
2. Н.Ибрагимов, М.Юсупов “Араб тили грамматикаси” Т.1997й.
3. Э.Н.Мишкuroв. Морфологический строй современного арабского языка. Т.1992г.
4. Г.Ш.Шарбатов. Современный арабский язык. М.-1982г.

Қўшимча адабиётлар:

1. Рустамова С. “Араб тили фонетикаси” Т. 2000й
2. Анорбекова А. Мирзаев Ш. “Ҳозирги ўзбек адабий тилидан маърузалар мажмуаси” Т. 2007й
3. Шагаль В.Э. “Учебник арабского языка”. Москва “Воен издат” 1983г
4. Азим Ҳожиев “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” Т. 2002й.

Mundarija